

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

ТУРКМАНБОШИ, 19 май.

ЎзА махсус мухбири Абу Бакир ҲРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19 май куни амалий таширф билан Туркменистонга келди.

Туркманбоши халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Туркманбоши шаҳрида ўтадиган учрашув ва музокаралар Президентимизнинг жорий йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат таширфи доирасида ўтган олий даражадаги мулоқотнинг мантикий давоми бўлиб, уларда мамлакатларимиз ўртасида сийсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама қилинади, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Икки давлат Президентларининг музокаралари якунида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли тижо-

рат шартнома ва битимлар имзоланиши кутилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Аваза» миллий сайёҳлик зонасининг «Камалак» болалар кўнгилочар боғида ўзбекистонлик болалар билан учрашди.

Жорий йилнинг май ойи бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқотида Туркменистон Президенти Каспий соҳилидаги болалар соғломлаштириш марказлари ўзбекистонлик болаларни қабул қилишга тайёрлигини билдирган эди.

Ушбу таклифга биноан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 100 нафар бола «Даянч» болалар соғломлаштириш марказига юборилди. Шавкат Мирзиёев болалар билан дам олиш таассуротлари, туркменистонлик тенгдошлари билан дўстлик муносабатлари тўғрисида суҳбатлашди, соғломлаштириш марказида яратилган шароитлар билан қизиқди. Болаларга совғалар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий таширфи давом этмоқда.

ЎзА



Yilning eng yaxshi psixologi — 2017

## Мактаб психологи намунали фаолият олиб борса муассасада соғлом муҳит барқарор бўлади



Шу йилнинг 17–19 май кунлари умумтаълим мактабларининг амалиётчи психологлари орасидан илғор, ташаббускор ва ижодкорларини аниқлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши психологи» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Танловда 14 та ҳудуддан келган олий маълумотли, камидан уч йиллик иш тажрибасига эга амалиётчилар қизгин рақобат руҳида беллашди.

(Давоми 6-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### «ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимни шакллантириш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибидан қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини изчил ошириш, янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ташкил этиш, мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, гидроэнергетикани ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ

ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг:

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг гидроэлектростанциялари, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ бўлиналари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» бирлашмаси негизида «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилги-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига киради.

3. Куйидагилар «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэлектростанцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларини марказлаштирилган технология бошқариш;

гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз тарққийтнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва кут-баракани халқимиз авваламбор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келатган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2017 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 27 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг

ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган

савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қўтлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат-эҳтиёт муносабатларини бошқаришнинг муқаддас замири билан биргаликда кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 19 май

Ш.МИРЗИЁЕВ



2017-yil 20-may, № 40 (9001)

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармониغا шарҳ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятига республикада ва хорижда, жумладан, етакчи хорижий инжиниринг, консалтинг ва курилиш компаниялари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун консорциумлар ва ихтисослашган шўба корхоналар ташкил этишга рухсат берилди.

Қабул қилинган қарор билан «Гидролойиха» акциядорлик жамияти «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятининг инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида бош лойиҳаловчи этиб белгиланди, «ТўполангсувГЭСкурилиш» масъулияти чекланган жамиятига эса халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг шартлари асосида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларидан ташқари «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти объектларини куриш ва модернизация қилиш бўйича бош пудратчи функциялари юкланди.

Ўз навбатида, «Гидролойиха» акциядорлик жамиятига «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган ҳолда, гидроэнергетика объектларини куриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун энг яхши маҳаллий ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа ва инжиниринг ташкилотларини, шунингдек, етакчи мутахассислар ва экспертларни, субпудратчилар сифатида уларнинг ишини мувофиқлаштирилган ҳолда, шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Гидроэнергетика соҳасининг олий ва ўрта махсус маълумотли, касб-хунарга ага малакали кадрларга бўлган талабини аниқлаш ва уларни республикамизнинг олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида, идоравий мансублигидан қатъи назар, тайёрлаш бўйича масъул орган функциялари «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятига бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда баҳариш учун қуйидаги топшириқлар берилди:

гидроэнергетика соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий маълумот йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта махсус, касб-хунар йўналишлари, касблари ва мутахассисликлари рўйхатини ҳамда уларни тайёрловчи олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларини аниқ белгилаш;

гидроэлектростанцияларда, гидротехника ва гидроэнергетика билан боғлиқ корхона ва ташкилотларда мажбурий ўқиш, амалиёт ва тажриба ўташни киритган ҳолда, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаблар ва халқаро тажриба асосида танқидий қайта кўриб чиқиш;

ҳар йили ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квоталарини шакллантириш давомида 2017—2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастур амалга оширилишини инobatга олган ҳолда, гидроэнергетика соҳасининг малакали мутахассисларга бўлган ҳақиқий талабини инobatга олиш;

олий таълим муассасалари ва касб-

хунар коллежлари битирувчиларининг танлаган касблари ва мутахассисликлари бўйича гидроэнергетика соҳасидаги корхона ва ташкилотларда иш билан таъминлишлари устидан назорат, шунингдек, биринчи навбатда, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари жавобгарлигини оширишнинг амалий механизмларини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори ва Фармони амалга оширилиши қуйидагиларга имкон яратади:

биринчидан, республикада мавжуд барча гидроэлектростанцияларнинг моддий-техник базасини ва уларга хизмат кўрсатувчи курилиш, монтаж, таъмирлаш, созлаш, илмий-лойиҳалаштириш ташкилотларини ягона гидроэнергетика соҳасига бирлаштириш;

иккинчидан, электр энергиясини ишлаб чиқариш тартибини мувофиқлаштириш, гидроэлектростанцияларнинг асбоб-ускуналари ва иншоотларидан кўп йиллик хавфсиз фойдаланиш стратегиясини амалга ошириш, соҳани динамик ривожлантириш, ҳуқуқий ва норматив-методик базасини такомиллаштириш, юқори малакали мутахассисларни шакллантириш орқали гидроэнергетиканинг ташкилий, молиявий ва технология бошқарувини амалга ошириш;

учинчидан, замонавий технологиялар ва жиҳозларни қўллаб, уларни эҳтимолий мужассамлаштириш ва стандартлаштириш, гидроэлектростанцияларни лойиҳалаштириш, куриш ва назорат қилишда халқаро илмий-техник ютуқларни қўллаш орқали юқори энергетика кўрсаткичларини ва гидроэлектростанцияларнинг мақбул иш тартиби ва самарадорлигини таъминлаш;

тўртинчидан, мамлакатдаги гидроэнергетика ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш, мавжуд бўлган гидроэлектростанцияларни янгилаш ва тўлиқ ишлашини таъминлаш, Ўзбекистон энергетика баланси таркибида гидроэнергетика улусини ошириш учун турли қувватлардаги гидроэлектростанцияларни куришни таъминловчи гидроэнергетикани босқичма-босқич ривожлантириш дастурини татбиқ этиш;

бешинчидан, мавжуд табиий салоҳият ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат орқали республикада сув ва энергетика манбалари комплекс ўзлаштирилишини таъминлаш, энергетика, сув ҳўжалиги, ирригация, ичимлик суви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланиш;

олтинчидан, юқори технология меҳнат фаолиятининг нуфузини рағбатлантирган ҳолда, гидроэнергетика соҳасида билим олишга, кўникама ва малакаларини оширишга, турмуш тарзи ва сифатини кўтарилган интиладиган малакали муҳандис-техник ва касб-хунарли кадрларни амалий тайёрлаш, ўстириш ва тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини кучайтириш, мавжуд гидроэлектростанциялардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, юқори маневрли ва самарали янги электр энергияси ишлаб чиқариш ташкилотларини яратиш орқали Ўзбекистонда ягона гидроэнергетика соҳасини яратиш йўлида улкан қадам ҳисобланади.

# Юксак эътироф

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг сеvimли шоирасини муборакбод этиш учун ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари жам бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармониغا биноан адабиётимиз равнақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб хиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун Ҳалима Худойбердиева «Эл-юрт ҳурмати» ordeni билан тақдирланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов Президентимиз фармонини ўқиб эшиттирди ва Ватанимизнинг юксак мукофоти ни Х.Худойбердиевага тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, «Маънавий ҳаёт» журнали бош муҳаррири Э.Шукуров, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ф.Жалилова, таниқли шоирлар Қ.Раҳимбоева, Х.Ортиқбоева, адабиётшунос Қ.Йўлдошев ва бошқалар Х.Худойбердиева ижодий фаолиятига тўхталиб, унинг ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги улкан хизматлари, сўзга масъулияти ёш ижодкорлар учун юксак намуна эканини таъкидлади. Шоиранинг «Эл-юрт ҳурмати» ordeni билан тақдирлангани Президентимиз ижодкорларни доимо қўллаб-қувватлаб келаятигининг яна бир ёрқин намунаси.

— Ҳалима Худойбердиева шеърининг мавзу ва маъно кўлаби ниҳоятда кенг ва чуқур, унинг шеърларида гўдак, аёл, ота-она,

Ватан мавзулари устувор. У ўз шеърлари билан ўзбек аёлига поэтик ҳайкал қўйган ижодкор, — дейди таниқли адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — Шоиранинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмади. Ҳар мисраси киши қалбидаги туйғуларни жўштиради, ҳаётга ишончини оширади, инсон номига муносиб бўлиб яшашга ундайди.

— Устозимиз Ҳалима Худойбердиева шеърларини тез-тез такрорлаб тураман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гули Нигор Авазова. — Устоз шеърларидаги шиддаткорлик, инсонийлик жиҳатлари, туйғулар тугўни, жасоратнинг намунаси биз, ёшларга ҳамisha сабоқ бериб туради.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева адабиётимиз равнақи, ижодкорларни доимий қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Икром АВВАЛБОВ,  
ЎЗА мухбири

# Нострификациялаш: қулайликлар яратилди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази томонидан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳамда нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш амалиёти, тажриба ва намуналарига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кадрлар тайёрлаш сифати такомиллашиб бораётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон ёшлари орасида хорижда таълим олаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг мамлакатимизга қайтиб келиш, ишга жойлашишида маълум тартиблар белгиланган. Яқинда хорижий давлатларнинг таълим ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш борасида қўшимча янги меъёр ва қулайликлар яратилди.

— Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 апрелдаги «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тар-

тиби тўғрисида Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори асосида амалга оширилди, — дейди Давлат тест маркази бўлими бошлиғи Н.Эшонқулов. — Низомга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мувофиқ, халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтинг асосида рўйхатга киритилган олий ўқув даргоҳларини тамомлаган юрtdошларимиз махсус синовлар топширмайди. Яъни улар ортиқча овозрагарчиликларсиз мутахассислиги бўйича ишга бемалол жойлашиши мумкин. Мазкур халқаро рейтинг бўйича рўйхатга киритилмаган олий таълим муассасаларини битирганларга бу имконият берилмайди. Бундан ташқари, низомда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳам янги тартиблар белгиланган.

Тадбирда журналистлар ўларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
ЎЗА мухбири

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Наманганда “Касб танлови — бахт танлови” мавзусида ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

## Ёшларни касбга йўналтириш муҳим вазифа

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Наманган вилояти халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан тегишли бошқармалар, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlари раҳбарлари, педагог-психологлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

— Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши самарасида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилалар ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда, — дейди Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи В.Ражапов. — Айниқса, ёшларни ўқувчилик давридан бошлаб касб-хунарга йўналтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришда бу муҳим аҳамият касб этади. Мазкур семинардан кўзда тутилган мақсад ҳам бу борада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришдир.

Семинар иштирокчилари вилоятда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан Наманган шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби тажрибаси мисолида танишди. Умумтаълим мактаби 2015 йилда Инвестиция дастури асосида 1 миллиард 820 миллион сўм ҳисобига мукамал таъмирланди. Ўқувчи-қизларга касб-хунар ўргатиш мақсадида 12 замонавий тикув машинаси, пазандалик асбоблари келтирилди. Ўғил болаларга дурадгорлик, темирчилик, чилангарлик касбларини пухта ўргатиш имконини берадиган меҳнат таълими устахоналари ташкил этилди.

Мактаб қошидаги бундай устахоналарда 150 дан зиёд ўқувчи ўнга яқин касб-хунар сирини ўрганмоқда. 60 дан ортиқ ўқувчи дарсдан бўш вақтида мактаб ҳудудида жойлашган миллий хунармандлик ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида устоз-шогирд анъанаси асосида сартарошлик, қосиблик, тунақасозликни ўрганмоқда.

Вилоятда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича “Маҳорат мактаби” этиб белгиланган мазкур таълим даргоҳида орттирилган илғор иш услубларини бошқа муассасаларга жорий қилиш мақсадида бу ерда турли илмий-амалий ва ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Тадбир иштирокчилари мактаб ҳаёти, касб-хунар тўғрисида фаолияти, “Ораста қизлар” клуби ва мактаб кутубхонасида ўтказиладиган “Китобим — офтобим” машғулотларини кузатди.

— “Касблар олами ва мен” номли тренинг машғулотлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди Фарғона тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташхис маркази раҳбари Нигора Мусаева. — Бу машғулотда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигининг юқсак самараси ўз ифодасини топган. Устахоналар ўқувчилар учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Иштирокчилар семинар доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Ош танлови” ва “Сартарошлик баҳси” танловлари орқали ёшларнинг касб-хунар эгаллаш бўйича эришган натижаларини кузатди.

Тадбир сўнгида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, қобилият ва қизиқиши асосида таълимнинг кейинги bosқичига қайб этиш борасидаги муҳим вазифалар, бу борада ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**А.САТТОРОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**

## Барча ҳаракатлар инсон манфаати учун

*Самарқанд вилоятидаги таълим муассасалари, маҳалла-ларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қура-миз” номли китобини ўрганишга бағишланган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда китобда илгари сурилган ғоялар, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш билан боғлиқ вазифалар ҳақида ҳаётий мисоллар асосида сўз юритилмоқда.

Нарпай туманидаги Оқтош тадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежида ташкил этилган учрашувда ҳудуддаги маҳаллалар вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар катнашди.

Таниқли адиблар, маданият ва санъат намояндалари, профессор-ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари юр-

тимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, шаҳар ва қишлоқларимиздаги бунёдкорлик жараёнлари, ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Бу борада давлатимиз раҳбари китобида белгилаб берилган устувор вазифалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

— Президентимизнинг вилоятлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан танишуви чоғида халқ билан мулоқот қилиш, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди шоира Зулфия Мўминова. — Ҳар бир ҳудудни ривожлантириш бўйича бир неча йиллик дастурлар тузилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз китобида баён этилган вазифа ва мақсадларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан далolatдир. Давлатимиз раҳбарининг одамларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш инсонийликнинг бosh мезонидир, деган сўзлари бугун барча раҳбарларнинг шиориغا айланган.

Учрашувда маҳалла оқсоқоллари, зиёлилар сўзга чиқиб, аҳолининг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланиши натижасида бугун қишлоқларда шахсий ёрдамчи хўжаликларда паррандачилик, чорвачилик изчил йўлга қўйилаётгани, одамлар ўз томорқасидан умумий фойдаланиб, даромад қилаётганини таъкидлади.

**Ҳ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**

## Ҳуқуқ билимдонлари аниқланди

*Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус, Адлия вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик-танловининг якуний bosқичи Юнусобод туманидаги 9-умумтаълим мактабида ташкил этилди. Танловда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги билан бирга ён атрофимизда рўй бераётган воқеалардан тўғри хулоса чиқара олиши, ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди. 14 та ҳудуддан келган жамоалар давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича беллашдилар.*



Танлов низомига муроффиқ, ҳар бир жамоанинг давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари уч шарт асосида синовдан ўтказилди. Биринчи шартда жамоалар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тест саволларига жавоб берган бўлса, кейинги синовда ҳуқуқий билимдонлик 3 та саволга жавоб бериш орқали намойиш этилди. “Эркин саҳна” кўринишида иштирокчилар жамиятда учрайдиган турли ҳуқуқбузарликларни образли тарзда кўрсатиб бердилар. Саҳнада ҳаётий воқеаларнинг жонли ва таъсирли кўрсатилиши, ўқувчиларнинг актёр ва актриса қиёфасига кириши, хулосани эса томошабин ҳуқмига қолдириши беллашув таъсир доирасини янада оширгандек бўлди. Ҳар уча-

ла шарт бўйича тўпланган балл жамоаларнинг давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича эгаллаган билимлари қай даражада эканлигини кўрсатди. Шунингдек, билимдонлар баҳси голибларини тақдирлаш жараёнига қадар томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилган “Ўзингни намоён эт” дастурида иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилардан бир гуруҳининг шеър ва кўшиқлари тингланди. Айниқса, Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчиларининг куй-кўшиқлари самимий олқишланди.

— “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик-танлови мактаб партасида таълим олиб, мустақил ҳаётга тайёрланаётган фарзандларимиз билимини янада мустаҳкамлайди, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ижтимоий фанлари методисти Шерали Ҳожиёв. — “Ҳидоя” жамоасини шакллантиришда асосан, Жиззах шаҳридаги намунали мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи танлаб олинди.

Юридик касб-хунар коллежи ўқитувчилари кўмагида ёш ҳуқуқшунослар билимини ҳар жиҳатдан такомиллаштирдик. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида ҳам ўқувчиларимизга тушунча бериб бордик. Билимдонлар баҳсида тобланган вакилларимиз келгусида ушбу фан бўйича олган билимларини ҳаётда қўллашда қийналмайдилар.

Ҳаяжонли дақиқалар этиб келди: голиблик қайси жамоаларга насиб этар экан? Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосасига кўра, Тошкент шаҳрининг “Ёш ҳуқуқшунослар” жамоаси биринчи, Самарқанд вилоятининг “Фемида” жамоаси иккинчи, Тошкент вилоятининг “Истиклол” жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Голиблар қаторида бир неча номинация эгалари ҳам аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди. Ҳар бир иштирокчи ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва ҳуқуқий адабиётлар тўплами ҳам топширилди.

**Хулқар ТҮЙМАНОВА,  
“Ma'rifat” мухбири  
Владимир Гранкин олган сурат.**

2017-yil 20-may, № 40 (9001)

# Юксак эътибор намунаси

*Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакли ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича йўналишларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳақида даражадаги олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган бўлиб, унинг шу пайтгача қабул қилинган олий таълим тизимига тааллуқли фармон ва қарорлардан фарқли ва ўзига хос жиҳати шундаки, қарор билан бирга кенг қамламли, барча мутахассислик йўналишлари ҳамда параметрларни ўз ичига олган дастур ҳам қабул қилинди.*

Ушбу дастурга Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг киритилгани институтимиз жамоасида, талаба-ёшлар, барча қорақалпоғистонликлар кўнглида фахр уйғотди. Ташкил топганига 83 йил тўлаётган институтимиз Қорақалпоғистондаги энг тўнғич олий таълим муассасаси сифатида мамлакатимизга ва кўшни давлатларга кўплаб мутахассислар тайёрлаб беради. Институт битирувчиларидан шу кунгача олти нафар академик, беш нафар Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқимизга таниқли шахслар этишиб чиққанлардан фарланамиз.

Қарорда келгуси беш йилда олий таълим тизимини кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги иқтисодий йўналишлари ва мутахассисликларни худудлар ҳамда соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларини комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган

ҳолда оптималлаштириш кўзда тутилган. Аини ўринда қарорнинг мазкур банди асосида Қорақалпоғистон шароитида кадрларга бўлган эҳтиёж ва ундан келиб чиққан ҳолда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва таъминлаш масаласи халқимиз дилдаги амалий тадбир бўлди. Чунки 1 миллион 800 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган кўп миллионли қорақалпоқ дёрида таълим б.т.л. (қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман, рус, инглиз) олиб борилади. Мазкур қарор 115 мингга яқин туркман миллионга мансуб юртошларимизни таъминлаш масаласи муассасалари тарбиячилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари билан таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси кимё саноатининг таянч нуқталаридан бирига айланди. Дунёга донг таратган, йилга 200 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқараётган "Кўнғирот сода заводи" унитар корхонаси ёки Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги-

нинг юксак намунаси бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаларини салоҳиятли маҳаллий кадрлар билан таъминлашда ҳам бу қарорнинг аҳамияти юксак.

Президентимизнинг шу йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистоннинг турли туманларида бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан янада яқиндан танишиши натижасида бир қанча йирик завод ва фабрикалар, корхоналар, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда чет давлатлардан инвестиция келтиришга қаратилган дастур қабул қилинди. 2017–2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур асосида республикамизда янги беш йилда sanoatda 1 trillion 257 milliard сўмлик 2192 лоийҳани амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, яқин беш йилда амалга оширилиши режалаштирилган энг йирик лойиҳалар қаторида Беруний туманида «Шаббоз-обод цемент» ва Қораўзак туманида «Қораўзак титан» ва «Қорақалпоқ цемент» заводи, «Нукусмедтехника» шприци ва инфузион системалар ишлаб чиқаришга асосланган завод, Хўжайли туманида агросаноат мажмуаси логистика маркази, яъни мева-сабзавотларни сақлаш, қуришти, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш корхонаси, Нукус туманида йирик агросаноат мажмуаси кабиларни санаб ўтиш мумкин. Мазкур қарор номлари келтирилган йирик объектларнинг сифатли ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган салоҳиятли маҳаллий кадрларни тайёрлашга замин ҳозирлади. Шу

маънода дастур асосида янги ўқув йилидан бошлаб институтимизда бакалавр ва магистратура бўйича ҳар неча янги йўналиш ва мутахассисликлар очилиши кўзда тутилган.

Мазкур ҳужжатда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан ҳориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқроқ таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эллик ўқитувчилар ва олимларни жалб этиш кўзда тутилган. Институтимиз тарихида илк бор 2017-2018 ўқув йилида олий таълим муассасамиздан Житойдаги нуфузли ҳисобланган Шарқий Хитой педагогика университети ва Москва давлат педагогика университетига малака ошириш ва стажировка учун 17 нафар, докторантура ва магистратура босқичларида таҳсил олиб қайтиши учун 2 нафар ходимни юбориш кутилмоқда. Нафақат педагогик ходимларимиз чет давлатларда таҳсил олиши, балки мазкур дастурга мувофиқ мамлакатимизнинг ҳар бир олий таълим муассасаси АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа шу каби давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда ҳар йили 350 нафардан ортиқ коррижлик юқори малакали педагог ва олимларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртыга таълим жараёнига жалб этилиши олий таълим тизими фа-

олиятига ижобий таъсир этиши кутилмоқда.

Мазкур қарорда олий таълим тизимида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг, шунингдек, иқтисодиёт соҳалари ва худудларини комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда бакалаврият ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилгача босқичма-босқич равишда 18 фоизгача оширишни назарда тутадиган 2017–2021 йилларга мўлжалланган параметр ва кўрсаткичлари белгилаб берилган. Янги ўқув йилида институтимизга бакалаврият йўналишига 1407 нафар (ўтган ўқув йилида 1382 нафар), магистратура мутахассисликларига 32 нафар (ўтган ўқув йилида 16 нафар) талаба қабул қилиш режалаштирилмоқда. 2021 йилга бориб, бакалаврият таълим йўналишларида 1500 нафар, магистратура мутахассисликларига эса 40 нафар ёшни қабул қилиш назарда тутилган.

Қарорнинг институтимизга оид 35-илоvasида ўқув бинолари, талабалар турар-жойлари, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа объектларни янгиладан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш хисобидан янги ўқув йирикларини ташкил этиш, ўқув-лаборатория жиҳозларини сотиб олиш, аудиторияларни ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга жами 48 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилиши кўзда тутилган институтимиз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор намунаси.

**Куанишбай ОРАЗИМБЕТОВ,**  
**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини ректори,**  
**филология фанлари доктори, профессор**



## Олий таълим тизими:

### Кадрлар рақобатбардошлиги оширилади

*Олий малакали кадрлар тайёрлаш Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Олий таълимнинг мақсади юқори малакали, рақобатбардош, олий таълим муассасасига кўйилмайдиган талабларга жавоб берадиган, талланган иқтисодий бўйича ишлаб оладиган, мамлакатини илмий-техникавий, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга ўз улушини қўшадиган, юксак инсоний қазматларга эга кадрларни тайёрлашдан иборат. Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур вазифалар ижроси бўйича олий борилаётган соғй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.*

Аини пайтда мамлакатимизда 69 та олий таълим муассасаси, чет эл университетларининг Тошкентдаги 7 та филиали мавжуд бўлиб, уларда 300 мингдан зиёд талаба билим оляпти. 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2021 йилда олий таълим муассасаларига қабул 20 фоизга яқин ошиши кутилмоқда. Бирок миллий иқтисодиётнинг олий таълим муассасалари талабларини тўла қондириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, меҳнат бозори талаблари асосида иқтисодликлар турини такомиллаштириш, кадрлар рақобатбардошлигини ошириш борасида айрим муаммолар мавжуд. Олий таълим муассасалари тайёрлаш талаб даражасидан анча орқда. Ўзбекистонда ҳар 10000 кишига тўғри келадиган олий таълим муассасалари сони ривожланган мамлакатлар, ҳатто айрим МДХ мамлакатлари кўрсаткичидан ҳам паст. Маълумки, 2030 йилга бориб жаҳонда олий таълим муассасалари талаба-

лари сони 414 миллион нафарга етиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга ортади. Шу билан бирга, Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг улуши баланглигини ҳам эътиборга олиш лозим. Табиийки, янги ички маҳсулот ҳам, моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳам бунчалик юқори суръатда ўсмайди. Таълим бошқа товар ва хизматларга нисбатан устувор бўлиб, унинг узлуқсиз ва динамик ўзгарувчанлиги, ниҳоясизлиги, оммавий, ўқув ва комплекс характерга эгаллиги, интеллектуал капиталга сармага кириштишининг жозибадорлиги ва юқори самарадорлиги каби омиллар олий таълимга ҳар доим ва ҳамма шароитда устуллик беради. Шу мақсадда олий таълимнинг онлайн, кечки ва сиртки, очик ва мослашувчан, масофали шаклларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Олий малакали кадрлар тайёрлашнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошириш, табиийки, илмий-педагог кадрлар таркиби, сони ва си-

фатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз олий ўқув юртыларида 26 мингга яқин профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларнинг ҳар уч нафаридан биттаси фан доктори, фан номзоди ва PhD илмий даражасига эга. Фан докторларининг улуши 6 фоиздан ошмайди. Бу олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ҳам талабалар даражасидан орқадалигини кўрсатади. Бунинг устига фан докторларининг 50 фоиздан зиёдининг ўртача ёши 60 дан ошган. Фан номзодларининг 25 фоизи пенсия ёшида, 40 ёшгача бўлган фан докторларининг улуши 4, фан номзодлариники 13 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралда қабул қилинган "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони ҳолатини тўдан яхшилашга хизмат қилади. Чунки, биринчидан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва сифатиغا инновация иқтисодиётга ўтиш муносабати билан янги талаблар қўйилмоқда. Иккинчидан, инсоният "бир умрга етадиган таълимдан, умр бўйи таълим олишга" ўтаётти. Таълим инновация ресурсларга айланмоқда.

Шу муносабат билан чет эллардаги етакчи илмий ўқув марказларида илмий-педагог кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2015-2016 йилларда 57 хорижий давлатда 1433 киши

сафарда бўлиб келди. Уларнинг 43 фоизи малака ошириш курслари ва стажировкадан ўтди. Қолганлари конференция ва симпозиумларда, лойиҳалар келишуви ва учрашувларда, олимпиада ва мусобақаларда иштирок этиди. Илмий-тадқиқот ишларини бажариб, докторантураларда таълим олиб қайтди. 2012–2016 йилларда 34 хорижий давлатнинг 1176 нафар педагог мутахассиси мамлакатимиз олий таълим муассасаларига таклиф этилди.

Олий таълим ортиш олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга узвий боғлиқ. Буни назарда тутган ҳолда Президентимизнинг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан республикамиздаги олий таълим муассасаларининг 180 та объектида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, 7 та олий таълим муассасасида ҳамкорликда фойдаланиладиган илмий лабораториялар, 400 дан ортиқ ўқув-лаборатория жиҳозлари жамланмасини дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчи корхоналаридан харид қилиш мўлжалланмоқда.

**Қобулжон ҚУРОЛОВ,**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги моддий-техника таъминоти бўлими бошлиги,**  
**иқтисодиёт фанлари доктори**

## Мактаб психологи намунали фаолият олиб борса

муассасада соғлом муҳит барқарор бўлади



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи кун иштирокчилар Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi профили меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидa 1 соат мобайнида психологик-педагогик ҳамда таълимга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича 50 та саволга жавоб бергач, 2-турда "Муаммоли вазият"дан чиқишга ҳаракат қилишди. Бунда муаммонинг ечимини топишда касбий маҳорат, мижоз билан ишлаш усулининг янгилиги, психологик хизмат йўналишлари қай даражада қамраб олингани, масала ечимида замонавий технологиялар, қўшимча методикалардан фойдаланиш ва асосийси — натижавийлиги мезон қилиб олинди.

— 7-синф ўқувчиси синф раҳбарининг столи тагига пақилдоқ ташлаши" муаммоли вазиятига ечим изладим, — дейди Сурхондарё вилояти Музаброт туманидаги 9-мактаб психологи Низомиддин Абдуллаев. — "Муаммоли вазият"дан чиқиш бўйича чора-тадбирлар режамда энг натижавий чора бу — консенсум усули бўлди. Бунда ота-она — мактаб — ўқувчи училигининг масъулияти оширилади.

Танловнинг иккинчи кунидa иштирокчилар ихтиёрий равишда танлаб олинган тренинг машғулотига электрон ишланма яратишди. 2 соатга мўлжалланган ишланмада фойдаланилган кўргазмалар воситаларнинг тўғри танланиши, жараёнда барча ўқувчилар иштирокининг таъминланиши, вақтнинг тўғри тақсимланиши, интернет маълумотларини самарали қўллаш ҳакамлар эътиборидан четда қолмади.

— Аввалгиларга нисбатан бу йил иштирокчилар таркиби ёшарганини таъкидлаш зарур, — дейди ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Лимона Аҳмедова. — Эндиликда чекка туманлардан ҳам республика босқичига етиб келган психологлар кўпчиликини ташкил этмоқда. Бу йилги қатнашчиларнинг деярли 80 фоизи психология йўналишида олий маълумотга эга.

Охириги кун Яққасарой туманидаги 319-мактабда уч тур бўйича 40 балдан юқори натижа кўрсатган 9 нафар иштирокчи нотаниш синфда тайёрлаган ишланмаси бўйича тренинг машғулоти ўтди.

— Шахслараро муносабатларда қийинчиликка учрайдиган болалар билан ишлаш" мавзусида тренинг олиб бордим, — дейди Хоразм вилояти вакили Дилрабо Рўзметова. — Жараёнда имкон қадар ўқувчиларни янги инновацион методлар билан тренинг мақсадига қизиқтиришга ҳаракат қилдим. Муаммони тушунарли қўйганим сабабли ўқувчилар фаол бўлиб, мунозарага киришди. Шу сабаб ўзичан, фикрини билдиришга қийналадиган ўқувчилар ҳам ўзини эркин тугди, фикрларини бемалол билдирди.

Танлов якунига кўра 1-урин Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 15-мактаб психологи Икболлой Турғуновага нисиб этди. Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 326-мактаб психологи Умида Сапарова иккинчи ва Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 53-мактаб психологи Нодирахон Шарипова учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек "Энг креатив психолог", "Энг самимий психолог", "Энг маҳоратли психолог", "Замонавий психолог", "Психологик тренинг устаси", "Энг изланувчан психолог", "Энг яхши тарғиботчи", "Энг жозибали психолог", "Энг ташаббускор психолог", "Энг фаол психолог", "Энг ғайратли психолог" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Насиба ЭРХОНОВА,  
"Ma'rifat" мухбири  
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

## Халқаро журналистика йўналиши очилади

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кўзланган мақсад ва вазифалар, қўйилган асосий янгиланишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутасадди ходимлари иштирок этган тадбирда олий таълим тизимидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

— Муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланган ушбу қарорда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини инвентаризациядан ўтказиш, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини

ошириш, илмий салоҳиятини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, турли илмий-иқодий лабораториялар, синхрон, лингафон хоналарини ташкил этиш каби масалалар ўз ифодасини топган, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Абдурахим Маннопов. — Институтимиздаги ўзгаришлардан энг асосийси мутлақо янги — халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро туризм, халқаро журналистика йўналиши ва мутахассисликларининг ташкил этилишидир.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети янги биносида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун жорий йилда 81 миллиард сўм ажратилган, қурилиш ишлари поёнига етиб қолгани қайд этилди. Шунингдек, мазкур олий таълим муассасасида компьютер лингвистикаси мутахассислигини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Санобар ЖУМАНОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

## Асл фарзандлар ёди унутилмайди

Шароф Рашидов туманидаги 19-мактабда «Ардоқларга муносиб инсон» мавзусида адабий-бадший кеча ташкил этилди.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар давлат ва жамоат арбобининг мамлакатимиз ривожини халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида беқиёс хизмат қилгани, адиб сифатида асарлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олганини таъкидлади. Тадбирда Жиззах давлат педагогика институти олимлари, меҳнат фахрийлари ҳам иштирок этиб, Шароф Раши-

довнинг меҳнат фаолияти ҳақида ўқувчиларга кенг маълумот берилди.

Тадбир доирасида Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар, расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Адабий кечада ўқувчилар адиб томонидан яратилган асарлар асосида сахна кўриниши намойиш этиб, қўшиқлар айташди.

— Тарихни билиш, аж-додларимиз ҳаёти ва маъ-

навий меросидан хабардор бўлиш ўғил-қизларимизда катта қизиқиш уйғотади, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Меҳринисо Абдусатторова. — Шу мақсадда тадбирга таклиф этилган Шароф Рашидовни кўрган, мулоқотда бўлган меҳнат фахрийларининг хотиралари ўқувчилар тасаввурини янада бойитди. Бундай учрашувлар фарзандларимизни бугунги ҳаётимизни, мустақилликни янада қадрлашга, Ватанни севишга ундайди.

Абдусаттор СОДИҚОВ  
Жиззах вилояти

## "Нурли мангулик"

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Нурли мангулик" китоби тақдими толиқ бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли актёрлар, санъатшунос олимлар, адабиётшунослар, шоир-ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зиқир Мухаммаджонов ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилади. Замондош ижодкорларнинг хотиралари китобдан ўрин олган.

— Устозимиз ҳар томонлама бизга наму-

на эди. У кишидан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов. — Ўз шоғирларига отадай меҳрибон, камтар-камсуқум инсон эди. Ўрناق олса арзигулик фазилатлари кўп эди. Кўпчиликнинг актёр сифатида танилиб, шу ишнинг устаси бўлишига ёрдам берган. Мазкур китобни ўқиган киши устозимизнинг ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатидаги нурли қиёфаси ҳақида янаям аниқроқ тасаввурга эга бўлади.

Д.ДЎСТБЕКОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

## Китоб орқали дунёга чиқамиз!

Китоб инсоннинг маънавий қамолоти-га ёрдам берувчи, илм дурдоналарини тўплаб, авлодларга етказувчи, ўтмишини бугун ва келажак билан боғловчи маънавий бойлиқдир. Билим манбаи бўлган китобни севиш ва уни кунт билан мутолаа қилиш маънавияти юксак инсоннинг ишидир.

Хатирчи туманидаги 19-умумтаълим мактабидa ўтказилган ҳафталик ёшларни китобсеварликка жалб этиш масаласига бағишланди. "Китоб орқали



дунёга чиқамиз!" шиори остида ташкил этилган тадбирда ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Китобнинг кадр-қиммати барча замонларда баланд бўлган. Кўп мутолаа қилган киши тўран дунёқараши билан ажралиб тура-

ди. Ҳафталикнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга бағишланган муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди мактаб директори И.Актамов. — Мактаб кутубхонаси фонди меҳмонлар туҳфа этган 120 номдаги 370 та бадий адабиёт билан бойиди. Иштирокчилар ҳар бир синфда "Синф кутубхонаси" ташкил этиш таклифини билдиришди.

Синфлараро беллашувлар, сахна томошалари, китоб тақдими ва кўргазмасида фаол ўқувчилар эътироф этилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нодира ЖУМАЕВА,  
шу мактаб ўқитувчиси

2017-yil 20-may, № 40 (9001)

# Таълим сифати мониторинги энди янгича шаклда

Ўқувчилар эгаллаган билим, малака ва кўникмалар таълим сифати ва самарадорлигини белгилловчи бош омил ҳисобланади. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 30 октябрдаги 286-сонли буйруғи билан "Халқ таълими тизимида таълим сифати мониторингини ўтказиш тартиби" тасдиқланган бўлиб, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши доимий мониторинг қилиб борилади.

Мазкур тартибга кўра, таълим сифати мониторинги Халқ таълими вазирлигининг таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими, Республика таълим маркази таълим сифати мониторинги бўлими томонидан ўқув йили давомида икки марта, яъни биринчи ярим йиллик ва ўқув йили якунлари бўйича ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ўқув йили давомида икки марта (биринчи ярим йиллик ва ўқув йили якунида), туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ ва умумтаълим муассасасида ташкил этилган мониторинг гуруҳи ўқув йили давомида тўрт марта (хар чорак якуни бўйича) мониторинг ўтказиши белгилаб қўйилган.

Бу орқали Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникама ва малакаларнинг ўзлаштириш динамикасини тизимли кузатиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирлари режалаштирилади.

Юқоридаги жараён узлуксиз давом эттирилса, таъ-

лим сифати динамикасида ижобий ўзгариш содир бўлишини ҳисобга олиб, жорий ўқув йилидан ушбу механизм янада такомиллаштирилди. Яъни, ўтган ўқув йилларидаги таълим сифати мониторинги жараёни асосан қоғозда (тест синовлари асосида) ўтказилиб, жуда кўп қўл меҳнати ҳамда вақт талаб қиларди. Қолаверса, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни қисқа муддатда аниқлаб бўлмади. Шу боис жорий ўқув йилидан мазкур жараён Республика таълим маркази ва Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан тайёрланган махсус электрон дастур асосида **онлайн-тест** шаклида ўтказиладиган бўлди.

Ушбу янгилек декабрь ойида биринчи ярим йиллик якунлари бўйича Нукус, Термиз, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида тажрибада синалиб айрим жиҳатлари такомиллаштирилди. Натижада ўқув йили якуни бўйича 4-синфларда барча ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)даги 42 та туман, шаҳарлардаги 126 та мактабда она тили ва адабиёт, табиатшунослик, математика, рус тилидан анъанавий қоғоз шаклида, 8—9-синфларда блок усулида (I блок она тили ва адабиёт, хоризжий тил (инглиз, немис, француз), тарих; II блок математика, биология, иқтисодий билим асослари; III блок кимё, информатика, давлат ва ҳуқуқ асослари; IV блок физика, география) онлайн-тест ўтказилди.

Синовларда жами 22173 нафар ўқувчи иштирок этди, уларнинг 6976 нафари 4-синф, 7629 нафари 8-синф, 7568 нафари 9-синф ўқувчиларидир. Ўқувчиларга

қизиқишлари бўйича ўқув фанлари блокни танлаш имкони берилгани ҳамда фанлар қесимидаги натижалар мониторингда кўришиб тургани онлайн-тест жараёнига қизиқишни янада кучайтирди. Энг муҳими, бу жараён мониторингнинг шаффоф ва адолатли ташкил этилишига хизмат қилди.

№	Синф	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	Фарқи
1	4-синф	57,8	66,4	+8,6
2	8-синф	55,5	57,3	+1,8
3	9-синф	54,6	55	+0,4
	Ўртача	55,5	59,6	+4,1

Натижаларга кўра 4- ва 8-9-синф ўқувчиларининг умумий ўртача ўзлаштириш самарадорлиги республика бўйича 59,6 фоиз (4-синф 66,4 фоиз, 8-синф 57,3 фоиз ва 9-синф 55 фоиз) ни ташкил этди. Бу кўрсаткични ўтган ўқув йили билан солиштирганда ўсиш кузатилади.

4-синфларда она тили ва адабиёт, табиатшунослик, математика ва рус тили фанларидан блок усулида, қоғозда тест синовлари шаклида ўтказилган мониторинг натижалари ўтган ўқув йили якуни билан таққосланганда куйидаги фарқ кузатилди:

№	Ҳисса	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	Фарқи
1	Она тили ва адабиёт	56,4	66,6	+10,2
2	Табиатшунослик	57,3	68,1	+11,2
3	Математика	59,4	76,8	+17,4
4	Рус тили	57,9	54,5	-3,4
	Ўртача	57,8	66,4	+8,6

8-синфларда таълим сифати кўрсаткичлари I блок (она тили ва адабиёт, чет

тили, тарих) фанларидан 59,4 фоиз, II блок (математика, биология, иқтисодий билим асослари) фанларидан 58,0 фоиз, III блок (кимё, информатика, давлат ва ҳуқуқ асослари) фанларидан 57,3 фоиз, IV блок (физика, география) фанларидан 54,4 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган ўқув йили билан таққосланганда 8-синфларда таълим сифати кўрсаткичлари I блок фанларидан 6,8 фоиз ва III блок фанларидан 3,3 фоизга ўсган бўлса-да, II блок фанларидан 0,4 фоиз ва IV блок фанларидан 2,4 фоизга пасайган.

9-синфларда эса, I блок (она тили ва адабиёт, чет тили, тарих) фанларидан таълим сифати кўрсаткичлари 56,6 фоиз, II блок (математика, биология, иқтисодий билим асослари) фанларидан 56,7 фоиз, III блок (кимё, информатика, давлат ва ҳуқуқ асослари) фанларидан 56,9 фоиз, IV блок

(физика, география) фанларидан 49,2 фоизни ташкил қилиб, кўрсаткичлар ўтган

## Ta'lim yangiliklari

Ўқув йили билан таққосланганда I блок фанларидан 2,8 фоиз, II блок фанларидан 2,7 фоиз ва III блок фанларидан 3,3 фоизга ўсган. Аммо афсуски, IV блок фанларидан 6,1 фоиз пасайиш кузатилган.

Онлайн-тест биринчи марта ўтказилаётгани учун айрим ҳудудларда қийинчилик ва камчиликлар ҳам кузатилди. Натижада бир қатор таълим муассасаларида белгиланган онлайн-тест синовлари ўтказилмай қолди.

Жорий ўқув йили якунлари бўйича мониторинг ҳамда биринчи ярим йилликда ўрганилган туман(шаҳар)лар ва мактаблар қамраб олинган таққослашда ҳолислик тўлиқ таъминланишига хизмат қилди. Аввал мониторинг жараёнига хар хил туман ва шаҳарлар, бошқа-бошқа таълим муассасалари қамраб олинар эди. Бу қўб-лашда ноаниқлик ва эътирозларни келтириб чиқарди. Шунингдек, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни ўша кунгича ҳудудлар ва мактаблар қесимида аниқлаш ҳамда тўлдириш бўйича услубий тавсиялар яратиши, таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш имкони пайдо бўлди.

Ҳеч шубҳасиз юқоридаги янгилеклар ўқувчиларнинг билимини адолатли ва ҳолис баҳолаш, мактабларда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

**Сафарали ҲАМРОЕВ,**  
Республика таълим маркази таълим сифати мониторинги бўлими бошлиғи

## Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари сараланди

Дарсларни аудио, видео, анимацияларга бой мультимедиа материаллар, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ўтиш ўқувчиларнинг қизиқишини оширади. Шу мақсадда республикамизда электрон дарсликлар ва ресурслар ишлаб чиқиш, уларни таълим жараёнига татбиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2042-сонли қарори ижроси доирасида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари" республика кўрик-танлови ўтказиб келилмоқда.

Электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мустақил таълим олишнинг самарали усулларини қўллаш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган манбадир. У ўқувчиларда мустақил таълим олиш, ижодий фикрлаш малака ва кўникмалари-

ни шакллантиради.

— Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — таълим-тарбия жараёнида АКТни самарали қўллаётган ижодкор ўқитувчилар ва дастурлаш бўйича иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантиришдан иборат, — дейди Республика таълим маркази мутахассиси Баходир Болтаев. — Кўрик-танловга

умумтаълим, ихтисослаштирилган ва махсус таълим муассасалари учун ўқув фанларини ўқитиш ва ўрганиш бўйича ЭАТРлар, таълим-тарбия жараёнида АКТ ёрдамида фойдаланишга мўлжалланган дастурлар қабул қилинди. Тақдим этилган ишларни баҳолашда ғоянинг долзарблиги, тарбиявий аҳамияти, қўлай, содда, аниқ ва ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, рангларнинг психологик хусусиятлари каби ўндан ортик дидактик хусусиятлари, амалдаги дастурлар мазмунига мослиги, қўлайлиги, сифати ва бехатолик даражаси каби техник талаблар эътиборга олинди. Танловнинг республика босқичи Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Икки йўналиш бўйича тақдим этилган 28 та иш ҳакамлар хайъати томонидан кўриб чиқилди.

Биринчи йўналишда Фиждуюн туманидаги 10-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Диёрбек Тилибоев бирин-

чи, Сергели туманидаги 300-ИДУМнинг 9-синф ўқувчиси Шохруҳон Рустамхонов иккинчи, Фарғона шаҳридаги 40-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилёрбек Абдухалилов учинчи ўринни эгаллади. Иккинчи, яъни умумтаълим, ихтисослаштирилган ва махсус таълим муассасалари ўқитувчилари йўналишида эса биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасидаги 11-ИДУМнинг информатика фани ўқитувчиси Абай Сапарниёзовга, иккинчи ўрин Косонсой туманидаги 13-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Раҳимжон Фозиловга, учинчи ўрин Хонқа туманидаги 7-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Тальват Илёсоевга насиб этди.

Фолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди ҳамда уларнинг иши республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилди.

**Х.АБДУРАҲМОНОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

“Уғлимнинг кайфияти тез ўзгариучан бўлиб, салга жаҳлим чиқарди. Нимадандир порози бўлса, бунинг ошқора намоёни этарди. Кўрс ва қўпол, баъзан тажовузкор эди. Унинг бу феълини аввал ҳам кузатган бўлсам-да, улайтмай, мактаб ўқувчиси бўлганча, биз учун катта муаммага айланган борди. Уни тўғри йўлга солиш мақсадида мактаб психологи билан ҳамкорликни йўлга қўйдим. Илоҳи борича мутахассис тавсиясига амал қилдим. Натижада ўғлим тез орада ўзгара бошлади”.

Ота-оналар юкоридаги каби муаммоларга тўқнаш келишади. Айниқса, эндигина мактабга борган ўқувчилар янги муҳитга мослашиш, янги дўстлар билан танишиш жараёнида қийналади. Шундай вазиятда мактаб амалиётчи психологи билан яқиндан ҳамкорлик қилиш самаралидир. Қуйида алоҳида эътибор талаб ёки оғир характерли ўғил-қизларни тарбиялашда умумтаълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар, ўзига хос тажрибалар билан танишамиз.

Тиббиёт нуқтани назардан болалар ҳулқи уч ёшгача мианинг ҳиссиётларга жавоб бериучи ҳисси томонидан бошқарилар экан. Ҳар сонияда мияда 700 та янги нейронлар

тириши пайсаиб, машғулотларга қизиқмай қўйган болалар билан суҳбатлашилганда ота-оналар билан боғлиқ муаммолар кўп учрайди. Шунда мактаб психологи ва ўқитувчи ота-она билан ҳамкорликда ишлаши тавсия этилади. Ҳафтанинг ҳар кунини ўзига хос характерга кўпроқ атрофдағиларнинг рағбати зарур. Уларнинг қобилиятини, зукколикни ишонимизни тез-тез изҳор этиб туриш керак.

Бухоро шаҳридаги 17-мактабда ота-она, ўқитувчи ва мактаб психологи ҳамкорлигини янада яхшилаш мақсадида ўзига хос тажриба аратилган.

— Мактабимизда “Оила ва мактаб биргаликда” лойиҳасини амалиётга жорий қилдик, — дейди мактаб ди-

# Ота-она — ўқитувчи — психолог ҳамкорлиги

## фарзанд келажagini таъминлайди

шаклланади. Кичкинтойлар гапга қулоқ солмайди. Бунинг сабаби, уларнинг шўхлигида эмас, балки ривожланиш вақтида бош мия янада фаолроқ ишлаб бошлаганидадир. «Нега?», «Нима бўлди?», «Нима сабабдан ҳамкорлик қилдинг?» ёки «Нега йиғлаётган?» каби мантаний саволларга жавоб бера олмайди. Чунки улар айни дамда нимани хоҳлаши ёки хоҳамаслигини онгли равишда англаб етолмайди. Шунчаки, истаклари амалга ошишини хоҳлашади, ҳолок. Бундай психо-физиологик ҳолатлар кейинчалик ҳам давом этса, болаларнинг характери шу зайлда шакллана боради. Мактаб ёшига етганда ҳам ҳиссий импульслар таъсири остида саволларга йиғламсираб, бақариб ёки мавзуга доир бўлмаган сўзлар билан жавоб қайтаришади. Гоҳида эса, аксинча, машғулот жараёнида берилган саволларни жавобсиз қолдириб, жим ўтиришади. Агар боланинг тоби қочса ёки оилавий муҳит таъсирида асабийлашса, таълим олиш жараёни янада қийинлашади.

— Аслида ёмон бола бўлмайди, — дейди амалиётчи психолог Ақобир Абдуллаев. — Ўқитувчи, мактаб психологи, ота-она ўқувчига ижобий муносабатда бўлиб, онгига фақат яратувчанлик туйғулари сингдириши керак. “Сен қайсарсан, ёмон бола бўлма”, дейиш ўрнига, “ақили, одобли, катталарнинг гапига қарадиган боласан”, дейиш тарбияда самара беради. Болалар ва ўсмирлар беҳитиёр катталарга тақлид қилишади. Шу боис фарзандимиз характеридеги салбий иллатни ўзгартиришга бўлса, аввало, ўзимизга ҳам солишимиз лозим. Балки, унга биз “ибрат” бўлаётган доримиз? Қолаверса, боланинг психологик эҳтиёж қондирилмас экан (меҳр, эътибор, тан олинис, тушуниш, қўллаб-қувватлаш), характерига муайян салбий ўзгаришлар юзага келавериши! Мактаб психологи ва синф раҳбарлари ўқувчи билан у қизиққан мавзуларда суҳбат қуриши, спорт, фан тўғрисидаги жалб этиши лозим. Ўзлаш-

ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилшоода Тўраева. — Бундан асосий мақсад алоҳида эътибор талаб, оғир характерга эга ўқувчилар билан дўстона мулоқот ўрнатилиш, ахлоқсизлик, гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олишдан иборат. Ўқувчи йили бошида лойиҳа асосида 2-синфларда 8 ҳафталик машғулот ўтказдик. Ота-оналарга “Сиз болангизнинг қайси рангини ёқтириш, яқин дўсти қилмиги, қайси фанини ўзлаштиришда қийналиши ёки қайси муаллимнинг дарсида ўзини эркин ҳис қилмаслигини биласизми? Кейинги пайтда кўнглида қандай хоҳиш-истак туйлаётганини-чи? Эҳтимол у ўзида бирор-бир янги қобилиятни ҳис этаётгандир, балки бу борада қийинчидир қўллаб-қувватлашига муҳтождир? Охириги марта қачон у билан ўтириб, бафуржа суҳбатлашдингиз, қалбига қулоқ солишга вақт тополдингиз?” каби саволлар билан мувоҳаза қилдик. Ўқувчилар янги-янги матн ва мисқалар яратиб, зўр иштиёқ билан ижро этишди. Айниқса, ҳафталик якунидаги кўрик-танлов ва викторинада голлиб чиққан ўқувчилар қувончини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ҳафталикни сифатли ва кўнглидагидек ўтказишда бошланғич синф ўқитувчилари Мавлуда Рамазонава, Фароғат Бердиева, Феруза Хайитова, ота-оналардан тайинланган тренералар Гулшан Саломова, Муборак Исмоилова, мактаб психологи Мавлуда Қодирова ва ҳамкорликда фаолият олиб боришди. Ҳафтанинг ҳар жума кунини ўтказиладиган машғулотларда оналарнинг ўз фарзандлари билан соатлаб бирга бўлиши, байроқчалар ясаши, расм чизиши учун шарт-шароит яратиб берилди.

Мухими, муассасалардаги бундай тадбирлар ўзаро муносабатлар асосида соғлом муҳит яратилишига имконият беради.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**  
“Ma'rifat” мухбири

# «Ўтиш даври»даги мураккаблик

## Ўсмир тарбиясига жиддий ёндашувни талаб қилади

Ўсмирлик инсон умрининг мураккаб ва нозик жиҳатларини ўзида мужассам этган давр ҳисобланади. Ота-оналар, педагоглар бола қалбига топишни билсалар, ўсмир бу фаслдаги зиддият ва тўсиқларни осонроқ тўғатиши мумкин. Болаликдан ҳали унқоқлашиб улгурмаган ўсмирнинг ўзига хос олами мураккаб педагогик-психологик ёндашувни талаб қилади. Ўтиш босқичи жиҳатида ҳамда ёшлик (илк ва кечки) даврларини ўз ичига олади. Биологик муҳитдан ҳар икки давр бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, улардаги хронологик чегарани аниқлаштиришда муайян жамият тарихий-иҷтимоий ривожланиши учун хос бўлган шакл ва усуллар, маданият, таълим характери муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиш лозим. Албатта, турли тарихий давларда ўсмирликнинг маълум бир кетма-кетлигида келадиган босқичларни аниқлаштириш мезонлари ўзгариб туради. Улар ананавий-тарихий ва замонавий жамиятларда ҳам акселерация (тезлашув) жараёнларига боғлиқ ҳолда татиқ этилади.

### Катталар оламига қадам

Ўсмирлик инсон ҳаётининг болаликдан ёшликка ўтувчи ва бошқа даврларга нисбатан кескин ва мураккаб кечиши билан фарқлашиб туривчи энг характерли палласидир. Бу даврга психологик ва педагогик адабиётларда «Ўтиш даври», «оғир фасл», «инкнроз даври» дея таъриф берилган. Бу мудат тахминан бола 5—9-синфларда ўқиётган пайтда, яъни 11—15 ёш оралигида кечади. Айрим болаларда 1-2 йил эртароқ ёки кечроқ кузатилиши ҳам мумкин. Қиз болаларда 9-10 ёшдан бошланиб, айримларида 16-17 ёшгача давом этади. «Ўтиш даври»нинг оғир, мураккаб кечиши кўпга психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу вақтда ривожланишнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий мазмун-моҳияти ҳам ўзгара бошлайди. Ўсмир ҳаёти, руҳияти, организмнинг физиологик ривожланишида жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, кўпгина бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар кўзга ташланади. У болакай ёки бола ҳам эмас, айна пайтда, уни катталар сафига ҳам қўша олмаймиз. Ўсмирнинг ўз-ўзига ва атрофдағиларга нисбатан муносабати бутунлай бошқача характер касб этиб боради. Қизиқилар тизими, ижтимоий йўналганлик қайтадан шаклланади, унинг ўз-ўзини англаши, баҳолаши, кадрятлари тизими ўзгаради.

**Агар бир йил муқаддам айтганларимизни сўзсиз бажарадиган, сипо ва вазмин бола билан мулоқот қилган бўлсак, энди ўз “мен”ини ҳар қандай вазиятда устун қўядиган шахс билан юзлашамиз. Бошқача айтганда, шахс эгоцентризми бу пайтда энг юкори даражага чиқади. Ўсмир ўз шахсиятини бошқалардан устун қўйса, ўзига кўпроқ бино қўй бошласа, айбга йўйиш керак эмас. Ўғил болада ҳам, қиз болада ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиш эмас, балки том маънода ўзининг хатти-ҳаракатини назорат қилиш, юриш-туриш, кийиниш, ташқи кўринишга астойдил эътибор бериш, пардоз-андоз қилишига интилиш ҳисси**

**пайдо бўлади. Ташқи кўриниш, шахсиятга оид билдирилган аризмас танбех ёки дашном унда жиддий салбий кечинмалар уйғонишига баб бўлишини унутмаслик керак.**

Бола организмда биологик, физиологик ўзгариш рўй бера бошлайди. Бўй ва умуртқа поғонаси ўсиб, жинсий балоғатга етиш жараёнининг янги босқичига қадам қўйилади. Организмдаги бу ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системаси билан боғлиқ эканлиги тиббиётда кўп ўрганилган. Қалқонсимон ва жинсий безлар ажратиб чиқарадиган гормон организмда моддалар алмашинувни фаоллаштиради. Чунки эндокрин ва асаб тизими бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунга қўра, ўсмирлик даври бир томондан қувватнинг кескин ортиши ва иккинчи тарафдан патоген таъсирга ўта сезгирлиги билан характерланади. Ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, аффект, стресс, кучли салбий ҳиссиёт (кўрқув, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин ва асаб тизими функциясининг бузилишига имкон туғдириб қўяди. Бундай бузилиш ўсмирда таъсирчанликнинг ортиши, ўзини тута билмаслик, паршонхотирлик, сержаҳлик, ланжлик, ўқиш фаолиятида пассивлик, уйқунинг бузилиши каби ҳолатларда намоён бўлади.

### Уч хил автономия

Ҳар иккала жинсдаги ўсмир учун илк романтик ҳисларнинг юзага чиқиши, қарама-қарши жинс вакилларига қизиқиш пайдо бўлиши меъёрий ҳолдир. Ёш психофизиологиясига доир адабиётларда таъкидланганидек, ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири — унда кузатиладиган **ҳиссий-эмоционал, маконий, ҳуқуқий автономия** ҳолатларидир.

Бола дунёга келган кундан бошлаб киннингидир меҳр-муруввати, парваршига муҳтожлик сезиши барчамизга маълум. Бу вазифа илк ёш даврида асосан онанинг зиммасига тушади. Уни кўкрак сuti билан озиклантириш, қўмилириш, укалал, тоза ҳавога олиб чиқиш каби парвариш турларини она меҳр билан бажаради. **Ҳиссий-эмоционал автономия**да гўдак дунёга келган ондан бошлаб, онаси ва атрофдағиларнинг руҳан қўллаб-қувватлаши, меҳр-муҳаббат намоён қилиши, эркалашига эҳтиёжни ҳис қилади. Кузатимизки, илк ёшдаги, мактабга ва бошланғич синфдаги болани суюб, эркалаб, қучиб, бошини силаб, мактаб муомала қилинса, улар бундан қувониб, ҳиссий-эмоционал ҳолатга тушишади ва эркалаётган шахсга қараб талпинидади. Кичкинтойлар онасига суйка-

либ, пинжиги суқилишини кўп кузатгансиз. Бола ўз тенгдошлари билан низо ўтишувларга дуч келса, улардан жаор кўрса, енгилла бошласа, ота-онаси ва атрофдаги яқинларидан эмоционал далда, қўллаб-қувватлашни кутади. Ҳиссий далда олган бола ўзини эркин, тетик, голиб ҳис қилади. Психологик кечинмалар гирдобида қолган ўсмир эса бунинг акси ўлароқ катталарга ёрдам сўраб мувоҳаза қилишини ўзига эп қўрмайди. Унга ота-онаси, ака-опаеси, амма-холаси томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалашлар эриш туюлиб, гашини келтиради. Энди у ҳиссий қўллаб-қувватлашларни қабул қилмасликка, муаммоларини ўзи ҳал қилишга интилади. Аввал мактабда юз берган воқеалар ҳақида оқизмай-томизмай сўзлаб берадиган бола, энди буларни сир тута бошлайди. У имкон қадар ота-онасидан холи бўлишга келади, ўз ишларига аралашмасликларини истади. Буларнинг барчаси яқинда бевосита кузатиладиган **ҳиссий-эмоционал автономия**нинг таъсири ва белгиларидир.

**Бола ўсмирлик даврида ўз ҳаёти, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қилиб, имконият топса, ўз меҳнати орқали даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равишда қондира олиши ҳам мумкин. Ҳуқуқий автономия ўсмирга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Бундан ўсмирнинг хабардорлиги унда ҳуқуқий автономиянинг юзага келишини таъминлайди. Мустақилликка эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлик ҳиссини юзага келтиради.**

**Маконий автономия**да ёлғизлик ўсмирнинг ягона широгога айланади. Имкон қадар ёлғиз қолишга, ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга интиланган, ўз уй-хаёллари билан банд бўлган ўсмир асосан тенгдошлари, яқин ўртоқлари билан кўпроқ мулоқотга киришади. Фарзандида кузатилаётган бундай ҳолатнинг асл сабабини тушунамаган айрим ота-оналар жавобдорлигини, унинг юриш-туришига эътиборни, назоратни янада қучайтиради. Бошқача айтганда, унинг **маконий автономия**сига “бостириб қиради”. Буни эса ўсмир мултлако хоҳламанглиги учун ўзаро муносабатлар зиддиятли тус олиб, ўртада низо кучаяди. Оқилна йўл тутилмади, турли кўнглисизликлар келиб чиқади. Айрим тадқиқотлар таълим муассасаси ва оилада ўсмир тарбиясига йўналтирилган фаолият қуйидаги шаклда ташкил этилса, бу каби ноҳуш ҳодаларнинг олдини олиш мумкинлигини кўрсатади: — мустақил ҳаёт ҳақидаги тушунчалар юзасидан ўсмир билан суҳбат қуриш; — оилада шахсий гигиена, саломатликни асраб-авайлаш, ота-оналик роли,



Mutaxassis minbari

фарзандлик бурчи, уй-рўзгор юришти, касб-хунар эғаллаш мавзулари бўйича кўрсатма, йўл-йўриқ бериб туриш; — ота-оналар учун ўсмирдаги психофизиологик ўзгаришлар тўғрисида психолог ва шифокор маслаҳатини уюштириш; — оммавий ахборот воситаларида ўсмир тарбияси бўйича эълон қилинадиган кўрсатув, эшиттириш ва мақолаларни улар иштирокида муҳокама қилиш; — бола интеллектуал, жисмоний имкониятларини аниқлаш учун турли кўрик-танловлар ўтказиш; — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсир доирасини янада қучайтириш, ўсмирлар гуруҳини ижтимоий-фойдалар меҳнат(ободонлаштириш, кўчаларнинг муҳофизати, бокучисиз қолган қариялар ҳолидан хабар олиш)га жалб этиш; — умумтаълим мактабларида малакали мутахассислар иштирокида семинар-тренинг ташкил этиш “Ўтиш даври”ни бошдан кечираватган фарзандларимизнинг “қоқилмасдан” бу мураккаб жараёни босиб ўтиши, ўз ўрнини аниқ ва тўғри белгилаб олишида муҳим рол ўйнайди.

### Ажралиб туривчи ўсмирлар

Бошланғич таълим давридан ўсмирлик ёшгача ўғил бола ўз жинсдошлари, қиз бола эса ўз дўгонлари билан яқин муносабатга киришади. Жинсларнинг бир-бирини ажралиб туриши педагогларимизга кундек равшан. Орадан кўп ўтмай, яъни ўсмирлик ёшидан бошлаб ўғил ва қиз болалар орасида бир-бирига яқинлашиб истига йўғонади. Баъзан эса ниманидир эплагша иккиланаётган тенгқўрига нисбатан ўғил болалар “Қиз боламисан, намунча кўрқасан?”, “Кўрқоқ” каби ибораларни қўллашади. Даки-дашном уларнинг ўз жинсини устун қўйишга интилиши, қиз боллага паст назар билан қарашини кўрсатса, қизлар ҳам ўз наватбатида ўғил болаларни менсимасликка интилади. Тенгдошларидан илгароқроқ балоғатга етган ўсмирнинг физиологик-психологик ҳолати тўғрисида айрим мулоҳазаларимиз бор. Тенгдошларидан олдин жинсий балоғатга етган қиз. Эртароқ жинсий балоғатга етаётган 10-11 ёшлардаги қиз бола қатор психологик муаммоларга дуч келади. Одатда қизларда бу давр ўғил болаларга қараганда 1-2

ҳам кўпроқ устунлик ва муваффақиятларга эришганини кузатишимиз мумкин. Тиббий нуқтаи назардан изохлайдиган бўлсак, жинсий балоғат даврининг эрта ёки кеч рўй бериши саломатликнинг бузилиши ёки нормаллигини билдирмайди. Буни шахс индивидуал ривожланишидаги ўзига хос хусусият, деб баҳолаш керак.

### Нотўлиқ оилада тарбияланаётган ўсмир

Оилавий тарбияда аёл (она) ва эркек (ота) роли жуда катта. Ота ёки онанинг бўлмаслиги ўсмир тарбиясининг рисоладагидек бўлишини таъминлай олмайди. Бу кемтиклик фарзанд характерида ўз асоратини қолдириши мумкин. Булар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: — онасиз ўсган ўғилда дағаллик, кўполлик, аёл ва қизлар билан муомала қила билмаслик, меҳр-шафқат туйғусидан беғоналик, ўзгаларга ҳамдард бўла олмаслик; — онасиз ўсган қизда майинлик, ҳалимлик, укув, назокат, ҳаё, ибодатчилик, уй-рўзгор сирларидан беҳабарлик; — отасиз ўсган ўғилда кўпинча эзьязуламчилик, майдагапчилик, эркақбоп ишларда лаёқатсизлик, бекарорлик; — отасиз ўсган қизда йиғитлар билан мулоқот қила билмаслик, одамовиллик, чўчиш, кўроқлик, масъулиятни зиммасига ола билмаслик.

**Тақдир зарбалари кимни не қўйга солмайди? Бир-бири билан чиқиша олмаган эр-хотиннинг “оғирлиги” болага тушади. Болада айб йўқ, унинг характеридега юзага келаётган бундай салбий белгиларни йўқотишга оиланинг имкони бўлмас экан, шу ўринда ўғил болани эркекча тарбиялаш, қиз болада унинг ўзига хос хислатни шакллантириш бобида кенг жамоатчилик, айниқса, педагоглар зиммасига катта масъулият тушади. Умумтаълим мактабларида тарбиявий соат ва маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларда ўсмирларга жинс идентификацияси(тафовит)га доир тушунча ва кўрсатмалар бериб боришса, юқоридаги каби жинсга хос бўлмаган белгилар кузатилади.**

**Умарали ҚОДИРОВ,**  
Сурхондарё вилояти Халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори, психология фанлари номзоди, доцент

Тахририятдан: педагог ва мураббийлар ўз фаолиятида ўсмир психологиясига кузатиладиган мураккаб ўзгаришларга кўп дуч келишади. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, агар ота-она эътибор бермаган масалага ўқитувчи масъулият билан ёндашса, “ўтиш даври”да ўсмир олами рисоладагидек ривожланади. Педагогининг назаридан четда қолган жиҳатни эса ота-она тўғрйлаб бориши керак. Ҳамкорлик ўз ўрнида ва вақтида олиб боришса, кўнглисиз ҳодалар рўй беравермайди. Муаллифининг кейинги мақоласида ўсмир томонидан содир этилиши мумкин бўлган суницид (ўз жонига қасд қилиш) сабаблари, унинг олдини олишга доир тавсиялар билан танишасиз. Умид қиламизки, газетамизнинг дониш муаллифларидан бири Умарали Қодировнинг долзарб мавзудаги мақолалари муштарийларимизни баҳс-мунозарарга чорлайди.

## Ота-оналар учун инглиз тили тўгараги

*Севара Жуманазарова ҳар пайшанба кuni тушдан сўнг 4-синфда ўқийётган қизи Сабринанинг мактабига йўл олади. Бугун ҳам одатга кўра билим масканига етиб келганида қизи билан бир синфда ўқийдиган Зулфиянинг онаси Дурдона Усмонова, Зилованинг дадаси Комилжон Олимжонов ва бошқалар кутиб туришган эди. 28 ота-она жам бўлгач, инглиз тили фани хонасига кириб, фарзандлари ўтирадиган парталарга жойлашишди. Бироздан сўнг инглиз тили ўқитувчиси Гулбаҳор Латипова кириб келди-да, чет тили тўгарагининг навбатдаги машғулотли бошланди.*

Мана, тўрт йилдирки, Учқўрғон шаҳридаги 43-IDUMда ота-оналар учун инглиз тили тўгараги фаолият юритмоқда. Тўгаракка 2-синф ўқувчиларининг 14, 3-синф ўқувчиларининг 12 ва 4-синф ўқувчиларининг 20 нафар ота-онаси аъзо бўлган. Машғулотлар таълим муассасасининг энг тажрибали ўқитувчилари — Гулбаҳор Латипова ва Турсуной Умматалиева томонидан олиб берилмоқда.

— Ота-оналар тўгараги машғулотлари бошланғич синф инглиз тили дарслиги талаблари доирасида ўтилади, — дейди мактаб директори Махмуда Латипова. — Чунки дарсликларда ота-оналар учун алоҳида топшириқлар берилган ва улар уйда фарзандлари билан бирга бажарадиган вазифалардан иборат. Биз ота-оналардан оилада болалари билан шуғулланиш жараёнида дуч келаётган қийинчиликлар ва муаммоларга барҳам бериш мақ-

садида қандай кўмак кўрсата олишимиз мумкинлигини сўраганимизда, катталар учун ҳам тўгарак ташкил этиш таклифини билдиришди. Бу ташаббус бугун ўз самарасини бермоқда.

Ушбу тажрибани кузатиш асносида 43-IDUM ўқитувчиларининг иш фаолияти билан яқиндан танишдик. 1 тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси Гулбаҳор Латипова ўз фанини чуқур эгаллаган, янги педтехнологияларни излаб топадиган ва самарали қўлайдиган салоҳиятли педагог. Чет тилини ўқитишга бўлган талабни те-ранг англаб, ўқувчиларининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқини ривожлантиришга жиддий эътибор беради.

— Зиммаизга ўқувчиларнинг инглиз тилида эркин мулоқот қила олиш қobiliятини шакллантириш, яъни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш каби кўникмаларни ривожлантириш вазифаси юклатилган, — дей-

ди ўқитувчи. — Бунинг учун ўқув-маву режа ва ўқув дастурлари ҳам берилган. Аммо иш фаолиятимизда шунга ишонч ҳосил қилдикки, агар оилада катталар фарзандларининг тил ўрганишдаги сазъ-ҳаракатини қўллаб-қувватламаса ёки ёрдамлашмаса, мақсадга эришиш қийин кечади. Айниқса, бошланғич синфда болага ота-она, бува-бувижонлар, опа-акаларнинг мадади жуда зарур.

Гулбаҳор Латипованинг эътирофидан келиб чиқиб, кичик таҳлил ўтказдик. У инглиз тилидан сабоқ бераётган 4- ва 5-синф ўқувчиларининг дарсларни ўзлаштириши ва билим самарадорлигини таққосладик. Ҳа, сезиб турганимиздек, қайси оилада катталар чет тилини ўрганишда ўқувчи ёрдамлашаётган бўлса, ўша боланинг натижалари юқори бўлиб қикди. Масалан, 4-синфдаги Лазизбек инглиз тили бўйича уй топшириқларини бажаришда онаси Муқаддас Жўраева-нинг кўмагидан фойдаланар экан. Муқаддас Жўраева синфда юритиладиган ота-она билан алоқа дафтари-дан ташқари, ўглининг ўқитувчиси Гулбаҳор Латипова билан юзма-юз мулоқотга ошиқади.

— Ўғлим билан шуғулланиш жараёнида айрим товушларни тўғри талаффуз қилишга қийналамиз, — дейди Муқаддас Жўраева. —

Шунда ўқитувчи билан боғлиқ, тегишли тавсияни оламан. Ўғлим билан самарали ишлашимизда ҳафтанинг ҳар пайшанба кuni ота-оналар учун ташкил этилган инглиз тили тўгарагига қатнаётганим наф берапти.

Маъзур билим масканининг яна бир илғор ўқитувчиси Турсуной Умматалиева ҳам ўқувчиларнинг инглиз тилидан олаётган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда таълим сифати ва самарасини таъминловчи усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратади. Янги педагогик технологияларни излаб топиш, уларни мунтазам янгилаб бориш, сабоқ жараёнида дарсни мустаҳкамловчи ёрдамчи воситалар — кўрғазмали қуроллар, турли расмлар, тарқатма материаллар ва АКТ воситаларидан кенг фойдаланишга интилаётган муаллимдан тил ўрганаётган бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва кўникмалари юқори.

— Ўғлим Носиржон 4-синфда ўқийди, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Нилуфар Исмамова. — Айни пайтда ўқув қуроллари, йил фасллари, об-ҳаво, яшаб турган жойи ва мактаби, оиламиз, мен ва дадасининг касби ҳақида инглиз тилида маълумот бера олади. Саломлашиш ва ҳол-аҳвол сўраш, ҳис-туйғуларини ифода этиш, бирон манзил-



Tajriba

ни сўраш ёки кўрсатиб беришни удралайди. Устози Турсуной Умматалиеванинг маслаҳати асосида эртақлар, кичик шеърлар билган китобчалар олиб бергандик. Инглиз тилини ўрганишда уларнинг ҳам таъсири яхши экан. Нутқи ривожланиб, сўз бойлиги ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, хорижий тилларни ўқитиш ва ўргатиш тизимида янги давр бошланди, десак муболаға эмас. Чет тили таълимида янги педагогик ва ноанъанавий технологияларга таяниш, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашнинг самарали усулларини кашф этиш, ҳар бир ўқувчининг имконият ва қobiliятидан келиб чиққан ҳолда билим бериш ўқитувчилардан изланиш ва интилишни талаб этмоқда. Учқўрғондаги 43-IDUM ўқитувчилари ана шу давр талабини ҳис этган ҳолда ёш авлодга таълим бермоқдалар.

**Гулнора ЭРГАШЕВА,**  
Наманган вилояти  
ХТХҚТМОЙ "Хорижий  
тиллар" кафедраси  
ўқитувчиси

### Саҳна кўринишлари инглиз тилида

Мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга эътиборнинг ортиб бориши натижасида етук билим ва педагогик маҳоратга эга хорижий тил ўқитувчилари сони кўпаймоқда.



Хусусан, Яқкасарой туманидаги 144-мактабда ҳам ана шундай инглиз тили фани ўқитувчилари меҳнат қилди. Муножот Абдуллаева шундай фидойи ўқитувчилар сирасига киради. Ўқувчилари турли кўрик-танловларда доимо юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мисол учун шу йил 9-синф ўқувчиси Мафтуна Бобононова фан олимпиадасининг туман босқичида голиб чиққан бўлса, 3-синф ўқувчилари Малоҳат Нигматова ҳамда Сўғдиёна Абдурахимова "Инглиз тилининг энг кичик билимдонни" танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллади.

Айни кунда май — хорижий тиллар (инглиз, немис, француз) ойлиги доирасида изланувчан ўқитувчи қўллаб тадбирлар, очик дарслар ташкил этмоқда. Жумладан "The last day of Bobur" (Бобурнинг сўнгги кунлари), "We are against the terrorism" (Биз терроризмга қаршимиз), "You are always in our heart" (Оналарни ардоқлаб), "Tales lead to goodness" (Эртақлар — яхшиликка етаклар) мавзуларидаги саҳна кўринишлари байрам тадбирларида ўқувчилар томонидан ижро этилмоқда.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
олган сурат.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданияти шаклланишида умумтаълим мактабларида бериладиган билимлар алоҳида ўрин тутати.

### Ҳуқуқий онг ва маданият мактабда шаклланиди

Давлат ва ҳуқуқ асослари фанига оид машғулотларида ўқувчиларга ҳуқуқий онг ва маданият тушунчаларини содда тилда изоҳлаб бераман. Ҳуқуқий онг инсоннинг маърифат ва маънавиятига таянган ҳолда ҳуқуқий меъёр ва нормаларнинг мазмунини тушуниш ва моҳиятини англашидир. Демак, аҳолининг ҳуқуқий онги юксак бўлиши учун улар маърифатли ва юксак маънавият эгаси бўлиши зарур.

Фуқаролик жамиятининг муносиб аъзоси ва ҳуқуқий демократик давлатнинг чинакам фуқароси бўлиш учун ҳуқуқий онгнинг юксаклиги камлик қилади. Бунинг учун инсон ҳуқуқий меъёрларга риоя этиши лозим. Шу ўринда ўқувчиларнинг аклини чархлаш, мустақил фикрлашга ундаш мақсадида ўртага савол ташлайман: "Сизнингча, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун нима қилиш керак?". Жавоб вариантлари орасидан мақбуллари барчанинг дафтарига қайд этилади:

— Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан танишиб бориш, ҳар қандай ижтимоий фаолиятда ҳуқуқий қоидаларга эътибор қаратиш лозим.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифаларини билиш.

— Ҳуқуқ-тартибот соҳасининг жамиятдаги ўрнини тўғри идрок этиш ва мажбуриятларни ўз вақтида адо этишни ёддан чиқармаслик зарур.

Бундай усул ўқувчиларни ўз билимини таққослаш, мунозара юритиш, баҳслашишга ундайди. Ўқувчилар ҳуқуқий онгини янада бойитиш учун Абу Наср Форобийнинг ҳуқуқ илмига оид «Китоб фин-навомис» («Қонунлар ҳақида китоб»), «Ас-сифат ал-фазила» («Фазилатли хулқлар»), «Талхис-ул навомиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») ва Бурҳониддин Марғинонийнинг «Хидоя» («Тўғри йўл») асарларидан намуналарни дарсининг мустаҳкамлаш қисмида қўллаيمان.

Шунингдек, машғулот давомида ҳуқуқий адабиётлар, янги қонун ва қонуноти ҳужжатлари билан танишиб, ҳаётимиздаги аҳамияти юзасидан тушунчалар таҳлилин ўтказамиз. Айниқса, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ҳуқуқий мавзудаги янгиликлар ўқувчилар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Жаҳонгир ҚҮРБОНОВ,**  
**Шароф Рашидов**  
туманидаги 13-мактабнинг  
давлат ва ҳуқуқ асослари  
фани ўқитувчиси

2017-yil 20-may, № 40 (9001)

## Хуқуқбузарликлар профилактикасида социология

**Халқимиз менталитетига хос ориятчилик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш, зулмининг ҳар қандай кўринишини қоралаш, инсонлараро меҳр-муҳаббатни устун қўйиш фазилатлари жамиятда адолатни ўрнатиш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигида, ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.**

2014 йил 14 майда қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”-ги қонун ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 мартдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда аҳоли бандлиги, аёллар ва ёшларни фойдали ишларга жалб қилиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш орқали хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Қарорда кўзда тутилган яна бир муҳим жиҳат —

хуқуқбузарликлар профилактикасида шаффофликни таъминлаш, яъни олиб борилган фаолиятдан кенг жамоатчиликни хабардор қилишдир. Бунда айтилган пайтда ривожланган давлатларда кенг оммалашган жамоатчилик билан алоқалар (public relations) технологиясидан фойдаланиш лозим. Бу хуқуқни муҳофазасига қилиш органлари фаолиятдан кенг жамоатчиликни хабардор этиш орқали халқнинг уларга бўлган ишончини ошириш ва қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Фарб мамлакатлари тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, хуқуқбузарликлар профилактикасида социология фанининг самараси яққол сезилади. Фан ютуқлари жамиятдаги мавжуд муаммо ва камчиликларга тез, осон ва самарали ечим топишда қўл

келади. Бунинг учун хуқуқбузарликка мойил ўсмирлар билан ишлашда социологлар ҳамда ижтимоий иш соҳаси (ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кишиларга кўмаклашувчи йўналиш) вакиллари хизматидан кенг фойдаланиш лозим. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишни ижтимоий иш хизматчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Социология соҳасининг ривожланишида франсиялик машҳур олим Эмиль Дюркгеймнинг хизмати катта. У фан тараққиёти учун қўллаб-қувватлаш асарлар ёзган. Жумладан, олим XIX асрда Францияда долзарб муаммога айланган суицид (ўз жонига қасд қилиш)нинг келиб чиқиш сабаби ва олдини олишга қаратилган янги йўналиш — “Девиант хуқ-автор социологияси”га асос солди. Эмиль Дюркгейм “Ўз жонига қасд қилиш” асарида хуқуқбузарликларнинг содир бўлишига жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларнинг бузилиши асосий сабаб бўлишини ҳаётий воқеалар билан ис-

ботлашга ҳаракат қилган. Кейинчалик соҳа мутахассислари томонидан девиант хуқ-автор социологияси асосида ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича янги усуллар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда ҳам замонавий социологиядан кенг фойдаланган ҳолда мунтазам социологик таҳлил олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, статистик маълумотлар асосида зарур чора-тадбирларни белгилаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш хуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта самара беради. Шу боис хуқуқ-тартибот органларига социолог-мутахассисларнинг ишга олиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, ижтимоий камчиликлар, хусусан, хуқуқбузарликнинг ҳам “худудий қиёфаси”, яъни муаммонинг ҳар бир ҳудудга хос хусусияти мавжуд. Уларни аниқлаш ва олдини олишда алоҳида тадқиқот ўтказиш лозим. Умумреспублика тадқиқотларидан ташқари, худудлар доирасида хуқуқбузарликларга қарши куралишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиби, амалиётга кенг татбиқ

этилса, натижалар янада ижобий бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда социология билан бир қаторда ижтимоий иш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Фарғона ва Самарқанд давлат университетларида ижтимоий иш йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Фикримизча, мазкур йўналиш бўйича кадрларни Ички ишлар академияси, Тошкент давлат юридик университети каби хуқуқ-тартибот органлари ходимларини тайёрловчи олий таълим даргоҳларида ҳам ташкил этиш керак.

Хуқуқбузарликлар профилактикасида социологиядан унумли фойдаланиш Президентимизнинг шу йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белги-ланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

**Алишер ЮНУСОВ,**  
социология фанлари номзоди

## Янги ҳайдовчилик гувоҳномаси — қулай ва ишончли

**Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, соҳани янада такомиллаштириш мақсадига кенг қўлламли ишлар амалга оширишмоқда. Бу борда Вазиран Маъмуриятининг шу йил 2 мартдаги “Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.**

Мазкур қарорга кўра, юртимизда жорий йил 1 октябрдан бошлаб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг зamon талабларига жавоб берадиган янги намуналари берилиши йўлга қўйилади.

Янги ҳайдовчилик гувоҳномаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тайёрланади. Гувоҳнома ўлчами 54x86 миллиметр бўлиб, маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилади. Хужжатга голограмма, микрочат, ультрабинафша қоплама, бир рангдан бошқа рангга твланадиган оптик турланадиган бўёк, гильош, ўйма нақш каби қалбақлаштиришдан ҳимоя қилувчи мукамал воситалар жойлаштирилади.

Амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномаси А, В, С, Д ва Е тоифаларига эга

### Янги ҳайдовчилик гувоҳномасининг намунаси



эди. Янги гувоҳномага биров ўзгартириш киритилган: хужжатда А, В, С, Д, ВЕ, СЕ ва ДЕ тоифаси акс эттирилади. Аниқроқ қилиб айтганда Е тоифаси учга бўлинади. Яъни, ВЕ — А тоифасига кирмайдиган, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиги 8 тадан ошмайдиган автомобилларни тиркама билан бошқаришга, СЕ — Д тоифасига кирмайдиган, тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларини тиркама билан бошқаришга, ДЕ — йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиги 8 тадан ортиқ автомобилларни тиркама билан бошқаришга рухсат берилишини билдиради.

Шунингдек, автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ҳам янгиланади. Бу ҳужжат ўлчами ҳам 54x86 миллиметр. Янги нусхадаги гувоҳномаларда автомобилотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтганини акс эттирувчи белги қўйиладиган жой йўқ. Шуни инобатга олган ҳолда автомобилотранспорт воситаси техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон жорий этилади. Техник кўрик натижаси ана шу талонда акс этади. Пластик шаклда тайёрланадиган гувоҳномаларнинг янги намуналари босқичма-босқич жорий этилади.

Вақт ўтган сари инсоннинг ташқи кўриниши ўзгаради. Бу эса унинг ҳужжатларини текшириш жараёнида турли тушунмовчиликларни юзага келтириши мумкин. Бу каби ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида янги гувоҳноманин фойдаланиш муддати 10 йил этиб белгиланди. Муддат ўтгандан сўнг ҳужжат белгиланган тартибда алмаштирилади.

— Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга

### Автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин намунаси



транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ёки ишончнома, шахсий паспорт нусхаси ҳамда корхона ва ташкилотларда ҳайдовчи бўлиб ишлайдиганлар иш жойидан маълумотнома тақдим этиши лозим.

2019 йил 1 январдан 2020 йилнинг 31 декабрга қадар эски намунадаги барча ҳайдовчилик гувоҳномалари берилган санасидан қатъи назар мажбурий тартибда янгисига алмаштирилади. 2021 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги барча ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳақиқий эмас, деб топилди ва бу ҳужжат билан автомобилотранспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан белгиланган тартибда маълумий чора қўрилади.

Янги ҳайдовчилик гувоҳномаларининг жорий этилиши мазкур йўналишда таълим берадиган ўқув муассасалардаги машғулотлар режасининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлди. Эндиликда ҳайдовчилик ҳужжатини олиш учун тингловчилар аввалгидек ўз ой эмас, балки икки ой ўқиши қифоя.

— Эски дастур бўйича ўқиш — 276 соат назарий, 36 соат амалий машғулотлардан иборат эди, — дейди Юнусов тумани “Ватанпарвар” ташкilotи бошлиғи ўринбосари Маъруф Бобораҳматов. — Энди янги тизим бўйича ўқувчилар 182 соат назарий ва 56 соат амалий машғулотларда қатнашиб, белгиланган имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлади. Амалий машғулотларнинг қўллаштирилгани бўлажак ҳайдовчиларнинг автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва йўл қўраларини янада пухта ўрганишига замин яратди.

Мукамал ва ишончли бўлган янги ҳайдовчилик гувоҳномасининг жорий этилиши, нафақат юртимизда, балки чет давлатларда ҳам автомобилларни бошқаришда қатор қўлайликлар яратди. Энг муҳими янги ҳужжат ортиқча оворағаччилик, тушунмовчилик ва ноқулайликларнинг олдини олади.

**Ҳасан МҶМИНОВ,**  
“Ma'rifat” муҳбири

# Юпқа пардали қуёш элементлари

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

## Юпқа пардали технологияларнинг қиёсий таҳлили

Қўлланилаётган материал сарфини камайтириш ва нархини пасайтириш учун юқори ютиш коэффициенти эга бўлган, поликристалл плёнкалар тарзида қўлланиладиган  $CdTe$ ,  $Cu(In,Ga)Se$  каби материаллар асосидаги юпқа пардали технологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай материаллар қаторига аморф гидрогенланган кремнийни ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги кунда қуёш элементлари тайёрлашнинг мавжуд юпқа пардали технологияларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1.  $CdTe$  юпқа пардали нанотехнология.

2. Мис ва индий диселиниди  $CuInSe_2$  (CIS) ва  $Cu(In_{1-x}Ga_x)Se_2$  (CIGS) юпқа пардали технология.

3. Аморф кремний асосидаги юпқа пардали технология.

Энди ушбу технологияларда қўлланиладиган материалларнинг афзаллиги ва камчиликларини кўриб чиқайлик.

### $CdTe$ юпқа пардали нанотехнологиянинг афзалликлари:

— юқори даражада турғун ФИКка эга (қуёш модулининг ФИК 10 фоиз тартибда);

— ишлаб чиқариш харажатлари катта эмаслиги боис, бундай қуёш модулларининг нархи жуда паст.

### Камчиликлари:

— жараёнларни қайта такрорлаш ва назорат қилиш жуда мураккаб (яроқли маҳсулот чиқиш эҳтимоли паст). Бир вақтнинг ўзига иккита  $Cd$  ва  $Te$  компонентлар ҳамда уларнинг тегишли нисбатини назорат қилиш талаб этилади;

— теллур( $Te$ ) — камёб ер метали, захираси  $In$  га нисбатан тахминан ўн баравар кам;

— кадмий( $Cd$ ) — оғир металл. Захарли элемент бўлгани учун атроф-муҳит муҳофазасини ҳам ҳисобга олиш керак. Қуёш элементининг хизмат муддати тугагандан кейин уни маҳсус оғир металл сифатида утилизация қилиш зарур;

— ишлатиш жараёнида ишдан чиқиш ҳолатлари эътиборга олинади. Масалан, шиша синганда  $Cd$  тупроққа абсорбцияланиши ва уни ифлослантириши мумкин. Шу сабабли модулларни монтаж қилиш учун қимматга тушадиган қўшимча харажатлар талаб қилинади;

— модулининг яққа тагликдаги йўл-йўл конструктор

цияси эса алоҳида йўлақлар орасидаги тирқишларни таъминлашни мураккаблаштиради.

**Мис ва индий диселиниди  $CuInSe_2$  (CIS) ва  $Cu(In_{1-x}Ga_x)Se_2$  (CIGS) юпқа пардали технологиянинг афзалликлари:**

— юқори даражада турғун ФИКка эга (модулининг ФИК 11–13 фоиз тартибда);

—  $CuInSe_2$  қатламларини ўстириш жуда оддий бўлиб,  $Ga$ ,  $Se$  ва  $Cu$  юлқа қатламларини таглик сиртига термик буглантириш ёрдамида кетма-кет ўтказиш ва кейин тезлик билан термик куйдиришдан иборат.

### Камчиликлари:

— жараённи назорат қилиш ва қайтариш ниҳоятда мушукул (яроқли элементлар чиқиш эҳтимоли паст);

— модулдаги такрорлаш мураккаб бўлган йўлақлар ва тирқишларни диққат билан лойиҳалаштириш талаб қилинади;

— индий ва галлий — камёб ер металлари. 1 ГВт электроэнергияни генерация қила оладиган юпқа пардали CIS қуёш элементларини ишлаб чиқариш учун тахминан 50 тонна индий талаб қилинади;

— нархларнинг ўзгариши (бир килограмм индийнинг нархи 2003 йили 100 доллардан 2005 йили 1000 долларгача ўсган);

— селенидлар заҳарли бўлгани учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иккиламчи ишлов бериш харажатларини эътиборга олиш лозим.

## Аморф кремний асосидаги юпқа пардали технология

1976 йили милтиллама разряд плазмасида олинган аморф кремний ( $a-Si:H$ )ни легирлаш имкониятининг юзага келиши, унинг спектр кўринувчан қисмига мос келувчи тўлқин узунлигини кучли ютиши билан боғлиқ нодир фотоўтказувчанлик хоссалари қуёш энергетикасида фойдаланишга йўл очди. Бундай материалнинг ва бошқа аморф гидрогенланган ярим ўтказгичлар юпқа пардаларини олиш технологияларининг кашф қилиниши янги, қуёш энергетикаси учун ўта зарур бўлган арзон қуёш элементларини яратиш технологиялари ривожига туртки берди.

Оммавий ишлаб чиқарилаётган қуёш модулиларида қўлланилаётган аморф ва микрокристалли кремний асосидаги гетероструктуралар қуёш элементининг типик тузилиши куйидаги расмда акс эттирилган:




a)

## Fan va hayot

$a-Si:H/mc-Si:H$  тандем структура (a) ва унинг спектраль характеристикаси (b) схематик тасвири ( $SHO'O$  — шаффоф ўтказувчан оксид қатлам).

Иккинчи каскад икки функцияни бажаради. У тор зонали материалдан (тақиқланган зона кенлиги 1,1 эВ тартибда) тайёрланган. Бу эса қуёш спектрининг узун тўлқинли соҳасидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Бошқа тарафдан, микрокристалли кремний анча юқори электр ўтказувчанликка эга. Бу қуёш элементлари панелида электр контактларини яратиш ва токни йиғишда муҳим роль ўйнайди.

Одатда, қуёш модуллари катта юзадаги фотодиодлардан ташкил топади, бу эса қуёш нуруни самарали йиғиш ва уни фото-вольтаик эффект ҳисобига электр токига айлантириш имконини беради. Бундай диодларни кетма-кет улаш қуёш модулининг чиқишида электр тармоғидаги кучланишга яқин кучланишни олиш имконини яратиб, қуёш модулини электр энергия истеъмол қиладиган қурилмаларга улашни ва мавжуд энергия тизимига киришни осонлаштиради. Қуёш модулларининг асоси фотодиодлар бўлгани учун қуёш модулларини ишлаб чиқаришни электрон санатнинг бир соҳаси деб таснифлаш мумкин. Юпқа пардали қуёш модуллари асосини қалинлиги микро-тартибда бўлган ярим ўтказгич материалларнинг пардаси ташкил қилади. Бундай қуёш модулларининг кремний пластиналари асосидаги қуёш модулларига нисбатан яққол устуқлиги модулларни ишлаб чиқаришдаги ярим



b)

ўтказгич материаллар сарфининг камлигидир.

Ҳозирги кунда микроморф қуёш модуллари энг кен тарқалган юпқа пардали қуёш модуллари ҳисобланади. Бундай қуёш модуллари иккита бир-бири билан монолит бириктирилган аморф ва нанокристалл кремний ўтишлардан иборат. Яқин инфрактазил соҳада сезиларли ютиш қобилиятига эга бўлган нанокристалл ўтишнинг киритилиши ёруғликни ютиш поласини кенгайтиради ва бунинг натижасида қуёш модулининг самарадорлиги ортади. Микроморф қуёш элементининг яна бир афзаллиги шундаки, интенсив ёруғликка нисбатан нотурғун бўлган аморф ўтишнинг қалинлигини камайтириш имконияти мавжудлиги сабабли қуёш модулларининг фотоиндукцион деградациясини пасайтириш мумкин.

Микроморф қуёш модулларини ишлаб чиқариш технологиясининг бошқа шубҳа билан қарамайди. Бу йўналишнинг ривожланиши тенденциялари қуёш энергетикаси хаётга кенг жорий қилиниши мазкур муаммонинг ишлаб чиқиш даражаси билан эмас, балки, биринчи навбатда, бундай усул билан олинган энергиянинг нархи ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Қуёш инсониятнинг хар томонлама қўлай турмуши учун зарур бўлган энергияни бера олади. Шунинг учун қуёш энергиясидан янада фаолроқ фойдаланиш нафақат эртанги куннинг, ҳозирги куннинг ҳам долзарб масаласидир.

— бундай қуёш модуллари томонидан генерацияланадиган электр энергиясининг қиймати нисбатан анча паст;

— қуёш модулларини турли, шу жумладан, эгилувчан металл ёки пластик тагликлардан ясаш мумкин;

— технология камёб элементлардан фойдаланишни талаб қилмайди;

— қуёш модулида заҳарли элементлар мавжуд эмас. Шу боис ўз муддатини ўтаб бўлган модулларни утилизация қилиш муаммоси йўқ.

Кремнийнинг юпқа пардалари асосидаги қуёш

модулларини ишлаб чиқариш учун саноат қурилмаларини тайёрлаш бўйича ҳозирги кунда "Oerlikon Solar" компанияси етакчи ҳисобланади. У микроморф қуёш модулларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қурилмаларнинг тўлиқ тўпламини етказиб беришга ва уни ишлаб чиқаришга тўлиқ тайёр ҳолатда топширишга ихтисослашган. Шу билан бирга, компаниянинг иштироки фақат ишлаб чиқариш корхонасини тўлиқ ишга тушириш билан чекланмайди. У техник ходимларни ўқитади, ишлаб чиқаришни биринчи йили компания ходимлари объектдаги жараённи кузатади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қуёш модулларининг халқаро сифат сертификатларини расмийлаштиришга ёрдам беради ва шу тариқа маҳсулотнинг бозорга чиқишини осонлаштиради.


Қуёш модуллари ва автотом энергия қурилмалари истикболига ҳеч қандай шубҳа билан қарамайди. Бу йўналишнинг ривожланиши тенденциялари қуёш энергетикаси хаётга кенг жорий қилиниши мазкур муаммонинг ишлаб чиқиш даражаси билан эмас, балки, биринчи навбатда, бундай усул билан олинган энергиянинг нархи ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Қуёш инсониятнинг хар томонлама қўлай турмуши учун зарур бўлган энергияни бера олади. Шунинг учун қуёш энергиясидан янада фаолроқ фойдаланиш нафақат эртанги куннинг, ҳозирги куннинг ҳам долзарб масаласидир.

Субҳон АХРОРОВ,  
Эшқувват АРЗИКУЛОВ,  
Тўйчибой ТОШБОЕВ,  
СамДУ доцентлари,  
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ,  
СамДУ магистранти

2017-yil 20-may, № 40 (9001)

## КАМАЛАК РАНГИДАГИ ҚЎЗИҚОРИНЛАР

Россиялик олимлар бразилиялик ва япониялик ҳамкасблари билан биргаликда камалак рангида товланувчи қўзиқорин турини яратди. Бунинг учун изланувчилар қўзиқориннинг тузилишини синчиклаб ўрганиб, биолюминесцентцион (нурланувчи) моддалар аналогини яратгани ҳақида "Лента.ру" хабар берди.



Бир қанча хашоратлар, қўзиқоринлар ва бактериялар турлари биолюминесцентцион хусусиятга эга бўлиб, мовий ёки кўкиш рангда нур таратади.

Маълумки, ушбу нурланиш люциферин моддаси билан люцифераз ферментининг кислород оксидланиши натижасида юзага келади. Сўнг қўзгалган ҳолатда оксилюциферин молекуласи ҳосил бўла бошлайди. У фотон (ёруғлик заррачаси) кўринишидаги энергияни ажратиб юборади. Лекин қўзиқоринлардаги биолюминесцентцион ҳолатнинг тўлиқ механизми ноаниқлигича қолмоқда.

Олимлар ўз тадқиқотида люциферин моддасини оксилюциферин моддасига айлантириш реакциясини ўтказиш мақсадида «Neonothopanus gardeni» ва «Neonotopanus pambii» каби нур таратувчи қўзиқоринлар мицелия(замбуруғ)сидан люцифераз моддасини ажратиб олди.

Мутахассисларнинг мазкур тадқиқоти қўзиқоринларда люциферин синтези қандай амалга ошиши тўғрисидаги олдинги тажриба натижаларига асосланган эди. Мазкур тадқиқотга кўра, 3-гидрогиспидин биолюминесцентияси (люциферин ҳисобланган) углерод атомиини йўқотган ҳолда оксидланади. Натижада нур таралиб, қўзиқорин оксилюциферин(ёритиш хоссаси)и ҳосил бўлади.


Охириги таркибга оиднилик киритиш мақсадида олимлар гиспидин аналогини синтезлаб, уни люцифераз билан қориштиради. Кейин қандай махсулотларга таъсир этишини кузатади.



## САТУРН ҲАЛҚАЛАРИ ЯҚИНДАН СУРАТГА ОЛИНДИ

Сайёралараро автоматик Cassini станцияси Сатурн сайёраси ҳалқасини рекорд даражада яқин масофадан расмга олди. Ушбу суратлар НАСА расмий сайтида эълон қилинди.

Фотосуратлар 2017 йил 26 апрелда Cassini биринчи бор улкан газ қобиғи ва сайёра ҳалқаси ўртасига яқинлашганда олинган. Бу вақтда Сатурн атмосфераси қатламининг босими бир бар(атмосфера босими ўлчов бирлиги)да 3000 километрни, ҳалқанинг ички қисмигача бўлган масофа эса 300 километрни ташкил этган.



Хали ҳеч бир космик ускуна Сатурнга бу қадар яқин келмаган, дея таъкидлади НАСА вакиллари. Сайёра ва унинг ҳалқаси орасида ускуна ҳаракати улкан газ қобиғи магнит майдони тузилишини ўрганиш ва сўнги маълумотлар ҳақида ахборот етказишга қодир. Қолаверса, олимларнинг ҳисобича, Cassini «Grand Finale» деб номланган охириги миссиясини Сатурн атмосферасига кўнган пайтда, яъни 2017 йил 15 сентябрда аяқунаши лозим.

Айтиш жоизки, «Cassini» миссияси НАСанинг Кўёш системасидаги сайёраларни тадқиқ этишдаги энг муваффақиятли дастуридир. Шундай бўлса-да, лойиҳа асосан Сатурнга доир тадқиқотлар, унинг ҳалқаси ҳамда сайёранинг энг йирик йўлдоши — Титанга оид маълумотларни ўрганишга қаратилган.

## ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ХАВФЛИ(МИ?)

АҚШ олимларининг таъкидлашича, energetik (quvvatni oshiruvchi) ichimliklar tarkibida kofein mavjud bo'lgan boshqa ichimliklarga nisbatan xavfli darajasi eng yuqori mahsulot ekan. Ушбу тадқиқот «Journal of the American association» нашрида эълон қилинди.

Америка кардиология уюшмаси мутахассислари ҳулосасига кўра, қўшимча куч берувчи махсулотлар QT интервали 2 соат давомида ўртача 10 миллисонияга ошиб боради. «Агар бу вақт оралиғи миллисонияда аниқланса, юрак уриши жуذا қисқа ёки узун бўлади. Бунинг натижасида юзага келган аритмия, яъни юракнинг нотекис уриши ҳаёт учун хавфли бўлади», деди мутахассислардан бири Эмили Флетчер.



Тажриба давомида 18 нафар кўнгилли икки гуруҳга ажратилди ва кузатилди. Улар дастлабки олти кун давомида таркибиде 108 грамм шакар, 320 миллиграмм кофеин, 40 мл лайм(мева) шарбати ва 140 грамм олча сиропи бўлган ҳажми 0,95 литрга тенг газли ичимлик истеъмол қилди. Жараёнда кўнгиллиларнинг юраги кардиограмма орқали ўрганилди.


Этиборлиси, ичимлик ичилгач, орадан бир, икки, тўрт, олти ва 24 соат ўтиб, организмда сиртки ва марказий қон босими кузатилган. Шу боис мутахассислар energetik ichimliklar ичишда эҳтиёткор бўлишни маслаҳат бермоқда. Айни кезде тажриба иштирокчиларини янада кўпайтириш ва янада жиддий ўрганиш масаласига олимлар этибор қаратмоқда.

ЎзДЖТУ талабаси Дилноза Жўраева тайёрлади.

## СИБИРДА ДИНОЗАВРЛАР ДАВРИ НАМУНАСИ

Санкт-Петербург ва Томск давлат университетининг бир гуруҳ олимлари изланишлари чоғида динозаврлар даврида яшаган, тури номаълум сутемизувчи суюқларини топди. Кемирувчиларни эслатадиган ушбу хайвон Baidabatyr clivosu дея номланди. Бу ҳақдаги мақола «Journal of Vertebrate Paleontology» журналида эълон қилинди.

Палеонтологлар бўр даврига оид хайвоннинг тошга айланган тишини аниқлашга муваффақ бўлди. Қазилма ишлари Красноярсқ ўлкаси яқинидаги Катта Кемчук қишлоғи яқинида олиб борилган. Топилган тишнинг анатомик хусусияти шуни кўрсатадики, мазкур жонивор мезозой даврида пайдо бўлиб, тезда йўқолиб кетган сутемизувчилар туркумига мансуб.



Олимларнинг таъкидлашича, Baidabatyr clivosu сутемизувчиларнинг оддий бир вакили бўлиб, унга ўхшаш хайвонлар Юра даврида яшаган. Топилма Фарбий Сибирда бир неча ўн миллион йил илгари яшаган сутемизувчи эканини тасдиқлайди.

Ўлкамининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб мўл ҳосил етиштиришга фақат агротехник тадбирларга амал қилиш билангина эришиб бўлмайди. Балки, илм-фан ютуқларидан, хусусан, биологик фаол бирикмалар: ўсимликларни ўстирувчи, ривожлантирувчи препаратлардан ҳам тўғри ва унумли фойдаланиш лозимлигини тажрибалар ҳар томонлама асослаб бермоқда.

## Matbuot anjumani

самарали воситалар сирасига кирувчи «Панорут», «Куфестрол», «Госсипрен» каби озука қўшимчаларининг афзалликлари хусусида кенг маълумот берилди.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари томонидан маҳаллий хомашё асосида яратилган гўза барглари тушириш ва кўсақларнинг тўлиқ очи-

## Экологик тоза препаратлар мўл ҳосил гарови

«Илмий тадқиқот муассасаларида қишлоқ ҳўжалиги учун дефолиантлар ва ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш борасида амалга оширилатгани ишлар» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шулар хусусида фикр юритилди.

Анжуманда олтиш йилдан буён ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиб, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги учун турли воситалар яратиш келаётган Ўсимлик моддалари кимёси институти мутахассислари томонидан пахта, бугдой, помидор, бодиринг сингари қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини турли ноқулай об-ҳаво шароитларидан ҳимоялаб, ҳосилдорлигини оширишга ёрдам берувчи «Учқун» биостимулятори, товўқ гўшти етиштиришда

лишини тезлаштиришда юқори самарадорликка эга бўлган, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган полимер шакли «Полидеф» дефолианти, жумладан сабзавот ва олиб экинлари уруғларини экишдан олдин капсулалашда қўлланиладиган «Ўзқитин» дорилувчи препарати тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Микробиология институтида олиб борилган изланишлар натижасида яратилган «Ер малҳами», «Серхосил», «Биоазот» сингари биопрепаратлар, Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан тақдим этилган «Супер ХМД-с», «ЎзДЕФ» дефолиантлари, «Ҳосил», «Мадад» каби стимуляторлар мўл ҳосил етиштиришнинг гарови сифатида юқори баҳоланди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

## Газ ва электр мосламаларидан тўғри фойдаланиш!

Олов — тилсиз ёв, деб бежиз таърифланмаган. Чунки у йилнинг ҳар қандай фаслида фавқуллодда содир бўлиб, одамлар ҳаётига, мол-мулкка тажовуз қилиши мумкин. Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўплаб кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлаётганимиз эса аянчлидир.

Тахлилларга кўра, бу каби бахтсиз ҳодисалар олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш, хонадонлардаги электр симларида юзага келган қисқа туташувлар, ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ҳамда уларнинг олов билан ўйнаши, иситиш мосламаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш каби омиллар боис юз берган.

Ачинарли томони шуки, келиб чиқаётган ёнғинларнинг олдини олиш одамлардан кўп нарса талаб қилмайди. Озроқ эътибор ва ҳаётга бўлган муҳаббат кўнгилсизликларнинг олдини олади. Бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик эса ғам устига ғам ёғдилади.

Шунингдек, уйда ёки бошқа жойларда газ ҳидини сезганда, гурут қақш мумкин эмаслигини, билмасдан газ қувурларини ўзбошимчалик ва қонунга зид равиш-

да газ плиталарига резина шланглар ёрдамида улаб, ёнғинларга сабаб бўлаётганлар ҳам топилади. Бунда аввало ўзи моддий зарар кўради, ҳатто жиддий тан жароҳати олишига сабаб бўлади, оила аъзолари хавф остида қолади.

Шундай экан, бу каби нохуш ҳолатлар бўлмаслиғи, ёнғин балосига дуч келмаслигимиз учун газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиғи қоидаларига риоя қилайлик. Жондан ширин фарзандларимизни ҳам шунга ўргатайлик, огоҳ бўлайлик. Азиз юртдошлар, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон!

**Нурбол МАМЕНОВ,**  
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант  
**Аскар КЕНЖАКУЛОВ,**  
Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ 4-ЎХБ командири,  
подполковник

Хозир таълим системасида она тилимизга оид муаммоларга қайта-қайта мурожаат эътиборимиз, ечимини излашга негандир шошмаймиз. Тўғри, ўзбек тилини ривожлантириш, ушбу фанни ўқитиш борасида санаси аригулик ишлар бор, бироқ ҳали ҳамон тилни бирёклама ўрганаёلمиз. Ўқувчи тўққиз йил мактабда, уч йил академик лицей ёки касб-хунар коллежида она тили ва адабиёт фанини изчил ўқийди, бироқ олий таълим муассасасига кириш имтихонларидан паст натижа билан чиқаверади. Сабабини суриштирсангиз, "Она тили учинчи блок, 1,1 балл йўқотсанг сира зарари йўқ! Ундан кўра биринчи, иккинчи фанларингни яхшилаб ўқи!" деган ўғитлар эшитилади. Абитуиент кириш имтихонларига тайёрланиш вақти фақат назарий маълумотларни ёдлашга, қуруқ

## Она тили учинчи блок...ми?

фактларни ўқишга уринади. Она тилидаги айрим саволларга назарий билимнинг ўзигина кифоя эмас. Мантиқан ўйлаш, сўзни сўздан ажратишда маъноларни таҳлил этиш кўникмаси зарурлигини ҳамма бирдек тушунавермайди.

Мактабларда она тили фанидан турли мавзуларда диктант, баён, ижодий баён, иншо ёздирилади. Ёзишга ёзиладию, бироқ уни текшириш, таҳлил қилиш ўқитувчининггина ишига айланмоқда. Синфларда ўзаро муҳокама, бировнинг хатоси нимада экани, ким қандай усулда ёзгани, ким мавзунини тўлиқ иллагани ҳақидаги давра суҳбатлари йўқ ҳисоби. Ўқитувчи ёзувчиудан ортиб, болаларнинг ижодий ишларини зўрга текширадию, қолганига унгулмайди.

Она тилини пухта ўрганишнинг яна бир манбаи — оила. Оиладаги ўзаро мулоқот, муносабат орқали улғаяётган боланинг онгида она тилига ё муҳаббат, ё салбий фикр уйғониши мумкин. Аксар ота-оналар ўғил-қизи хорижий тилларда равон сўзлаши ҳақида суюниб гапиради, бироқ она тилини тузукроқ билмаслигини хаёлига ҳам келтирмайди. Буни ҳам ўйлаш керак...

Муаммога ечим ҳар вақт топилган. Она тили дарсларида оғзаки нутқни ривожлантириш, боланинг тасаввур олами тил орқали ривожлантириш учун бу фандан лугат дафтари уни юритиш, ижодий ишларни муҳокама қилиш, оғзаки, ёзма нутқ ҳамда назарий билимлар учлигини бараварига олиб бориш фойда берса, ажаб эмас. Дарсинг ташкили қисмида мушоира, баҳру байтлар уюштириш ўринли.

Шохрухбек ИБДУЛЛАЕВ,

Нукус давлат педагогика институти талабаси

## Ота — билак, Она — юрак

Ривоят қиладиларки, қадимда ўғиллардан бири ушланиб, жазога ҳукм қилинибди. Шунда бир қизча подшо ҳузурига келиб:

— Отамни жазога буюргансиз. Кўлини кесинглар, дегансиз. Ҳукмингиз адолатли. Бироқ отамнинг менадан кичик яна тўрт фарзанди бор. Онамиз бетоб, бизларни боқа олмайди. Раҳм қилинг, ҳукмингизни қайтиб олинг, илтимос. Агар сира илоҳи бўлмаса, мана, менинг кўларимни кеса қолишин, — дебди.

Подшо қизанинг арзини тинглай туриб, ота-онасига муҳаббати бу қадар улғулгидан хайратда қолибди. Қизни синамоқ мақсадида унга:

— Майли, хоҳишинг, ҳукми бугун эмас, эртага ўқишади. Унча яхшилаб ўйлагин, кейин яна пушаймон еб юрмагин, — дебди.

Эртаси кун майдонда оломон тўпланибди. Қизнинг отасини келтиришибди. Қиз ҳам майдонда ҳозир бўлиб:

— Отажон, қўрқманг, ҳозир сизни озод этишади, — дебди-да, кундаги кўлини қўйибди.

Бу ҳолдан подшо ҳам, тўпланганлар ҳам кўзёш тўкибди. Ота жазодан озод этилибди. Қиз билан отага илтифот кўрсатишибди. Подшонинг ами билан жазо майдонидан кунда олиб ташланди, ўрнига бир мармар тош тикланибди. Унга бу нақл ўйиб ёзилган

экан: "Бир ёшгина қиз отасининг кўли ўрнига ўз кўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қанчалар бхтиёр..."

Билак — куч-қувват, тиргак, таянч дегани. Оиланинг устун бўлгани учун ҳам отани билакка қўёслашди. У фарзанди камолоти, таълим-тарбияси учун маънавий, ҳам моддий тиргакдир. Онани эса юракка менгашади. Юрак жамики туйғулор кўним топган муқаддас макондир. Меҳр-муҳаббат, таскин, ишонч — ҳаммаси унда бор. Унинг-сиз ҳаёт зимистон. Шу маънода она оиланинг уриб турган юраги. Жамиятнинг муҳим бўғини саналмиш оилани ана шу икки забардаст устунсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Уша мармар тош фарзанд меҳрига қўйилган ўзига хос рамзий ҳайкалдир. Аслида, дунёнинг ҳеч ерида бундай ҳайкал йўқ. Аммо ота-она фарзандидан озгина меҳр кўрса ҳам, унга ўз қалби тўридан битта ҳайкал тиклайди. Унинг номи — шўрқоналик.

Тарбия ўчоғи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, бу даргоҳда қалби пок, меҳр-муҳаббатга лиммо-лим, орзу-умидли фарзандларни улғайтириш азия ота-оналар ва биз, ўқитувчиларнинг асосий бурчимиздир.

Д.САЙМАЗАРОВА,  
Сергелии политтехника  
касб-хунар коллежи  
ўқитувчиси

## Адолат била мулкин ораста...

Алишер Навоий асарлари ўзбек, жаҳон адабиёти хазинасида алоҳида ўринни эгаллайди. Буюк шоир асарларида инсон умрининг азизлиги бот-бот таъкидланар экан, одам, аввало, халқ гами билан элулусни рози қилиб яшасалга муродиға етишини тасвирлайди. "Хамасна"и ўқиш чоғи дostonлардаги воқеаларнинг туб илдизи "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" гоёсига бориб уланишини сезамиз. Биринчи дoston "Хайрат ул-аброр"да халқ гала ва мевали дарахтга, подшоҳ чўпону боғбонга, золимлар эса бўрига қийёсланар экан, агар чўпон галани бўрилардан ҳимоя қилмаса, боғбон ўз боғини адолат суви билан сўғормаса, қўйлар оч бўриларга ем бўлиши, боғ эса қуриб, мева бермаслиги ўқитилади.

"Сафди Искандарий" дostonи эса халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларига ўзгача урғу берилган асарлардан.

Ки, чун қилди ул шоҳи навхоста,  
Адолат била мулкин ораста,  
деа алқайди тахтга эндиғина ўтирган ёш ҳукмдорни. Шоир Искандарнинг адолатини "кийик билан арслонлар бирга яшаганлиги"га, "қарчиғай билан тустовуқнинг ёнма-ён ётиши"га муқояса қилади. Даҳо шоир илгари сурган гоёлар айни бугунимиз учун муҳим, орадани неча асрлар ўтса-да, инсон мавзуси, халқ манфаатидек улғу гоёлар батамом йўқ бўлмаслигини исботлайверади.

Барнохон РАҲМОҶОВА

Фаргона вилояти

"MA'RIFAT"ga  
maktublar

Toshkent shahri  
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.  
"Ma'rifat" gazetasi tahririyatiga  
E-mail: info@marifat.uz

Бувимни жудаям яхши кўрам. Уйга келса, ёнидан жилгим келмайди. Бувим менга ота-болларимиз шаҳараси, тугилиб ўсган қишлоғимиз, болалик даврлари — тарихимиз ҳақида қизик-қизик воқеаларни сўзлаб беради. Уйимизда ипак илди тикланган нақшинкор кашта бор.

Ўртоқларим, дугоналаримни кўзим қиймади.

\*\*\*

Телевизорда суриялик Мухаммад исмли болақайнинг ҳўрсиниб йиғлаганча: "Мақтабдан қайтганлик, бирдангиға отишма бошланди кетди, дўстимга ўқ теғди, жудаям қўрқиб кетдим,

## Тинчликка нима етсин!

Бувим ўз кўллари билан тиккан. Унда Навоий бобомизнинг: "Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ўқидин гами", деган сўзларини ўқийсиз.

Дугонам билан қилўтмас қардонларимиз. Мабодо дарсга бормасам, дарров кўнғироқ қилади, ҳол-аҳвол сўрайди. Ҳозир лицейимиз билан уйимиз ораси икки ярим соатлик йўл. Бошқа жойга кўчганимиз учун масофа ўзгарди. Бироқ уйимиз яқинидаги лицейга ўтмадим.

энди дўстимсиз мактабга қандай бораман!" деган гапидан юрагим ачишиди. Дунёнинг қай ерларида мурғак болалар қийғос гуллаган дарахтлар ёки илм ҳақида эмас, кўпроқ омон қолиш, тўйиб овқатланиш ҳақида қайғуриб, кун ўтказди. Бундай ўлкалардан қўшлар ҳам қайтмас бўлиб учиб кетган...

Биз дастурхонни нонсиз тасаввур қилолмаймиз. Меҳмонга, тўйга борсангиз ҳам энг аввал дастурхонга нон қўйилади, нон

ушатилади. Дадам ишдан қайтаркан, кўнғироқ қилиб: "Уйда нон борми?" деб сўрайди доим. Бобом уруш кўрган. У менга ўша йиллари кун буйи бир тўғрагина нон егани, қанчадан-қанча тенгқурлари очликдан вафот этиб, қишнинг совуқ кунларида оёқ кийими йўқлиги учун мак-

табга боролмагани тўғрисида сўзлаб берган...

Мана шу кўрган-эшитганларимдан ўзимча хулоса чиқарман: уруш дегани энг гўзал палламиниз, қадрдон одамлар, ҳатто еяётган нонни ҳам тортиб оларкан. Тинчлик бўлсагина одам орзу қилади. Олдига катта мақсадлар қўяди. Мен ҳам барча дунё болалари каби дунёда ҳамиша тинчлик бўлсин, дейман.

Ситорабону ҲОТАМОВА,  
Тошкент давлат техника университетини қошидаги академик лицей ўқувчиси

## Тил билган — эл билар

Қадимгилар тил билган кишини икки халқ ўртасидаги кўпликка менгашган. «Тил билган — эл билар» деган нақл шундан пайдо бўлган.

Биз педагогларнинг вазифамиз чет тилларини пухта ўрганиб, Ватанимизни бошқа эллар билан боғлайдиган, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган юксак маънавиятли авлодни тарбиялашдир. Ўқувчиларимга чет тилини ўргатишда ноодатий ёндашувларни маъқул кўраман. Турли интерфаол усуллардан унумли фойдаланаман. Яқинда хорижий (инглиз, немис ва француз) тилларни ўрганишга бағишлаб бошланғич синфлар кесимида очик эшиклар кунни ўтказилиб, ота-оналар таклиф қилинди. Улар иштирокида очик дарслар ўтказилди. Фарзандларнинг фаоллиги, билимга чанқоқлиги ҳамда ҳозиржа-

Хорижий тилларни мукамал ўрганишни даврнинг ўзи талаб этаётди. Умумтаълим мактабларидаги чет тили дарслари сифати, фанни ўқитиш услуби ҳам кун сайин ўзгармоқда. Мақсад — ўқувчиға чет тилини атрофлича ўргатиш, ўша тилининг ўзига хос хусусиятларини пухта тушунириб, мулоқот кўникмасини шакллантиришдир. Фарзандини рус тилида таълим берувчи мактабга чиқарган аксар ота-она ўғил-қизининг бошланғич синфда тилни сўз ўрганишини, бироқ юқори синфга ўтгач, тўрт йилда ўзлаштирганларини ҳам ёддан чиқаришини таассуфланиб айтади. Бунга турфа омилларни сабаб сифатида келтириш мумкин.

Аввало, мутахассис педагогларнинг камлиги, хорижий тил буйича етарли малакаси бўлмаган ўқитувчиларнинг юқори синфларда дарс бериши муаммо-

## Чет тиллари қандай ўргатилади?

нинг бирламчи сабабидир. Тўғри, ўқитувчилар ўз билим ва малакасини ошириш учун қайта тайёрловдан ўтиб, муайян муддатда ўз фанларидаги янгиликларни ўзлаштиришга уринадилар. Янги педагогик технологиялар дарсларида қўллаётган, яхши натижаларга эришаётган ўқитувчилар ҳам талайгина. Аммо масала бориб-бориб, барибир фанини дуруст билмаган, педагогик маҳорати етарли бўлмаган муаллимларга боғланаверади. Аксар юқори синфларда мутахассислиги бошқа ўқитувчининг дарс бериши мантиққа зид.

Бошланғич синфлар учун мўлжалланган чет тили дарсликларини синчиклаб кузатганимда, деярли барча

китоблар ўқувчининг осон тушунишига мўлжалланиб, тилни равон ўрганишда анча фойда беришини кўраман. Бунга қўшимча мультимедиа воситалари, слайд-шоулар, кўрғазмали қўроллар, рангли суратлар, фотосуратлар ва бошқа анжомлар кўмағида бола ҳам тасвир, ҳам лисоний ифодалар орқали хорижий тилни мукамал ўрганар экан. Юқори синфларда ҳам шу изчилликни бузмай, графика ва матн уйғунлигида дарс ўтилса, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида рисоладигдек ҳамкорлик бошланади.

Одина УМАРОВА,

Риштон туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 20-may, № 40 (9001)

**«Баркамол авлод—2017» спорт мусобақаларига мезбонлик қилаётган Жиззах шаҳри бугун чиндан ҳам байрамона тус олган. Кўча ва хйёбонлардаги аловон гуллар ленталар, байроқчалар кўзни яшнатади. Танспорт воситаларига туширилган «Баркамол авлод—2017» ёзувлари эса ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган спорт ва нафосат байрами тобора яқинлашаётганидан дарак беради.**

# Жиззах спортчиларга мунтазир

Йўналишлар бўйича хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳларнинг кўли қўлига теғмай, нуфузли спорт тадбирига тайёргарлик кўрмоқда. Мусобақаларни ўтказишга масъул бўлган республика ва вилоят штаби сўнгги ҳозирлик ишларини мувофиқлаштирмоқда.

Авалло, мусобақа ўтказиладиган тўрт объект беллашувларга шай ҳолатда турибди. Улар таркибиде 5 та спорт зали, 1 тадан стадион, манеж, сузиш ҳавзаси, теннис корти мавжуд.

Тадбир иштирокчилари яшashi ва овқатланиши учун 6 тадан объект (ўқувчи-талабалар тураржойи ва таълим мусассалари ошхоналари) тайёрланди. Иштирокчиларга хизмат кўрсатувчи 130 та автобус учун алоҳида автотураргоҳлар

белгилаиб, ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар овқатланадиган ошхоналарда хизмат қиладиган ишчи ходимлар ва ошпазлар ҳам тиббий текширувдан ўтказилди.

Мусобақа иштирокчилари соғлиғини назорат қилиш, озик-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, соғлом овқатланишни ташкил этиш каби муҳим масалалар бўйича Республика бош давлат санитария ва ҳаёт раҳбарлигида барча объектлар ўрганилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлашда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш учун масъул шахслар бириктирилди.

Шунингдек, юртимиз

нинг энг улкан спорт фестивали жараёнларини халқимизга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт тарғиботига ўз хиссасини қўшаётган журналистларга ҳам бир қатор қулайликлар яратилган.



ташқари, журналистлар белгиланган дастур асосида ишлаши ва мусобақа жараёнларига улгуриши учун энгил автомашиналар ҳам ажратилган. Яна бир янгилик шуки, спорт ўйинлари ўтадиган 4 та жойда матбуот марказининг филиаллари ташкил этилди. Демак, журналистлар энди мусобақа натижаларини майдоннинг ўзидаёқ ёзиб, тахририятга йўллай олади.

Мусобақа веб-сайти: [www.barkamolavlod.uz](http://www.barkamolavlod.uz) орқали янгиликлар билан танишиб бориш мумкин.

Энг асосийси, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида тахсил олаётган ўғил-қизлар ўртасида ўтказиладиган маъзур спорт беллашувлари ҳам келгусида халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдиган иқтидорли спортчиларни кашф этишига ишонамиз.

**A.СОДИҚОВ**

## ФУТБОЛ ТАРИХИДАГИ «ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ»ЛАР

### Кўрқинчли дарвозабон

Ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида Шотландиянинг "Питерборо Юнайтед" жамоаси дарвозасини кўриқлаган Фред Барбер футболдан бўш вақтида кино кўрган. У айниқса "Взвoз кўчасидаги дахшатлар" фильмини ўзгача завқ билан томоша қилган. Мавсулларнинг бирида Фред майдонга ўша фильм қаҳрамони Фреди Крюгер никобини таққан ҳолда чиқишга одатланди. Энди, унинг рўпарасидан чиққан рақиб ҳужумчилари қай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг. Кейинчалик футбол амалдорлари дарвозабонни никобдан воз кечишига мажбур қиладди.

### Энг ҳайратланарли гол

Энг ҳайратланарли гол сифатида 1973 йилда «Барселона» жамоасига қарши ўтган баҳсда «Спарта» (Роттердам) ҳимоячиси киритган гол эътироф этилади. Ҳимоячи тўпни ўз дарвозасидан узоклаштира туриб, кучли зарба билан юқорига тегиб юборди. Аммо бор-йўғи ҳимояланган мақсадда тегиб юборилган тўпни шамол учириб, ҳавода ёрилиб кетади ва «Барселона» дарвозаси ичига латта ҳолатида тушади. Ҳакам ўйинчилар эътирозига қарамай, голни инобатга олади.

### Ҳакамнинг «ёрдами»

Ушбу антика воқеа 1967 йили Тунис яшил майдонларидан бирида юз берган. Гап шундаки, ўйиндан четлатилган футболчи майдонни ўзида йўқ хурсанд ҳолда тарк этган. Болалигида бахтсиз ҳодиса туфайли эштиш ва гапириш қобилиятини йўқотган ўйинчи учрашув вақтида ҳакамнинг қароридан жудаям аччиқланиб, газабланганидан кутилмаганда гапириб юборди. Футболчи бор кучи ва инерцияси билан ҳакамга нималарнидир тушунтиришга ҳаракат қилаётди, гапириш қобилияти қайта тиклангани учун майдондан четлатилганига ҳам ачинмайди. Қолаверса, унинг четлатилиши адолатли қарор бўлган.

### Энг кўп автогол

Мадагаскар чемпионати иштирокчиси — "Стад Олимпик Эмрин" клуби футболчилари 2002 йилги мавсум чемпиони "Адема" жамоаси билан бўлган баҳсда ўз дарвозаларига 149 та автогол киритган. Бундан мақсад бир тур аввалги ўйинларида ҳакамлик қилган рефери қарорларига нозилик билдириш бўлган.

### Халоскор Ромилда

2013 йили Бразилиядаги "Апаресиденсе" жамоасининг массажиши ўз жамоаси дарвозасини икки бора голдан қутқариб қолган. "Тупи" клуби вакилининг яқин масофадан туриб "Апаресиденсе" дарвозасига берган зарбасини дарвозабон қайтарди, дарвозабондан қайтган тўпга такрорий берилган зарбани эса жамоа уқаловчиси тўсиб қолган ва ундан кейин берилган учинчи зарба ҳам уқаловчига тегиб, майдон ташқарисига чиқиб кетган.

"Тупи" жамоаси футболчилари "Апаресиденсе"нинг 12-ўйинчисини қувишга тушгани сабабли ўйин 20 дақиқага тўхтатилган. Кейин бунунлай тўхтатилган ва 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа ўзгартирилмаган. Бу ҳисоб "Апаресиденсе"ни тўлиқ қаноатлантирарди. Боиси, меҳмондаги дуранг натижа жамоани чорак финалга олиб чиқарди. Уқаловчи Ромилда Фонсека да Силва қилган иши ҳақида шундай деган: "Мен доим футболчиларга массажадан кўра кўпроқ ёрдан бериш ҳақида ўйлаб юрардим". Рақиб жамоа расмийлари эса буни "Бразилия футбол тарихидаги энг шармандали вазият" деб баҳолаган.

### Тарихдаги энг узун ўйин

Ўтган йили Франциянинг икки футболсевар жамоаси ўртасида тарихдаги энг узун ўйин ўтказилди. Учрашу 73 соат давом этган (19 июндан 22 июнча) ва 475:473 ҳисобида якунланган. Ушбу хайрия матчида ҳар бир жамоадан майдонга 11 нафар ҳаваскор тушган ва 7 нафари захирада турган. Учрашув танффуссиз, кеча-кундуз бўлиб ўтган. Футболчилар навбатма-навбат алмаштирилиб, икки соат захирада нам олган, кейин яна майдонга қайтиб, бошқа ўйинчига дам берилган.

**Ҳасан ОЛИМОВ тайёрлади.**

## Ёзёвон туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабиде спорт гимнастикаси тўғрарига ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ўқувчилар ушбу спорт тури силларини ўзлаштириб, ижобий натижаларга эришмоқда.

Яқинда мактабда ҳарбий хизмат даврида ўз бурчини бажараётиб халок бўлган Мухаммадийоб Эргашев хотирасига бағишлаб ўтказилган спорт мусобақасида тўғраак аъзолари ўз маҳоратини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Дастлаб ўқувчилар спорт гимнастикаси бўйича кўргазмалли чиқишларни намойиш этиди. Сўнгра ҳакамлар уларнинг гиламда акробатик машқларни бажариши, дастали гимнастика отида қўлларга таяниб, оёкларни даста бўйлаб ўтказиш, гимнастика отидан сакраб ўтиш, қўшпоя ва турниқда

машқ бажариш бўйича маҳоратини баҳолади.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, 6-синф ўқувчилари ўртасида Умиджон Аббосов, Файзулло Аҳмадов, Самандар Мадаминов, 7-синф ўқувчилари ўртасида Асадибек Зокиржонов, Зиёвуддин Раҳмоналиев, Азизбек Незматов, 8-синф ўқувчилари ўртасида Хусниддин Тўйчиев, Фолибшер Мухаррамов ҳамда Диёрбек Тўйчиев голиб ва совриндор бўлди.

— Мусобақа гарчи тор доирада ўтган бўлса-да, у ердаги муҳит катта турнирларни эслатиб юборди, — деди БСРЖнинг вилоят филиа-

ли раҳбари Нурилло Худойбергенов. — Мактабдаги спорт гимнастикаси тўғрарига 29 нафар ўғил-қиз жалб этилган. Уларга машғулотларда зарур бўладиган оёқ кийимлари ва бошқа эсдалик совгалари берилди.

Шунингдек, Нурмуҳаммад Абдуназаров "Энг ёш иштирокчи", Диёрбек Акрамов "Энг интизомли иштирокчи", Аслидин Муродалиев "Энг фаол иштирокчи" номиницаяларига муносиб кўрилди. Голибларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг дипломи ва эсдалик совгалари берилди.

**Ҳумоюн Мирзо ОМОНОВ, Ёзёвон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббий**

## Жажжи чемпион орзулари

**Ёшларимизнинг келажакда соғлом ва баркамол бўлиб улгайиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқасб экани бугун ҳеч биримизга сир эмас.**

Ўз иқтидорини намойиш этаётган мактаб ўқувчилари орасида Шаҳризода сингари тиришқоқ ва интилувчан болаларимиз кўпчилиги қувонари, албатта. Уни яқиндагина ота-онаси етаклаб қаратэ тўғрарига олиб келганди. Ўзи тенги ва сал каттароқ опа-акалари, дўстларининг ҳаракатларини кўриб, машғулотларга қизиқиб қолди.

Шаҳризода 1-синфда ўқиш билан бирга, мураббийи Фиёс Абдураимов ишончини оқламақда. Етти ёшли Шаҳризода 2015 йил декабрда Зарафшонда бўлиб ўтган

шаҳар очиб биринчилигида фахрли 1-ўринни эгаллади. 2016 йили апрелда Зарафшон шаҳрида ўтказилган Навоий вилоят очиқ кубогиде фахрли 3-ўринни эгаллаганди.

Ўша йили у Қарши шаҳрида ўтган мамлакат очиб чемпионатида кўплаб мутахассислару томошабинлар эътиборини қозонди. Гап шундаки, Шаҳризода ушбу мусобақада ўзидан икки ёш катта бўлган рақибини енгиб финалге чиқди ва кумуш медал билан тақдирланди.

Жорий йил Шаҳризода учун янада омадли ва мусобақаларга бой тарз-

да ўтапти. Хусусан, 2017 йил апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида тенгдошлари орасида фахрли 1-ўринни эгаллаб, ўз жамғармасини яна бир олтин медал билан бойитди. Ҳозир Шаҳризода Учқудук туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг 2-"Е" синфида аъло баҳо-ларга ўқияпти. Шунингдек, рақс тўғрарига қатнашиб, бу борада ҳам ноёб иқтидори борлигини исботлапти. Қаратэдаги муваффақияти билан мактабдошлари руҳини кўтарса, ажойиб рақслари билан мактаб тадбирларига файз киритмоқда.

Жажжи чемпион Шаҳризода мусобақага йўл оларкан, ундан кўра



кўпроқ ота-онасию, бобобувисини ҳаяжон босади. Айниқса, бобо-бувиси неварасини мусобақадан уйга қайтиб келгунича дуо қиладди, омад тилайди.

Шаҳризода нафақат синфдош дугоналари, балки барча тенгдошлари, махалладошлари билан иноқ, унга кўпчилик тенгқурларининг ҳаваси келади.

**Зилола БАРНОЕВА, Учқудук туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси**











## КИТОБ – ФАРЗАНДАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЭНГ ЯХШИ САРМОЯДИР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Навқирон авлод ва  
маънавият хизматида

Хурматли ота-оналар, азиз устозлар! Анъанавий ўтказиб келинаётган Республика китоб байрами муносабати билан “Янги аср авлоди” нашриёти “Мактабдан ташқари ўқиш” рукнида кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар учун 100 номдаги китобларни нашр эта бошлади. Лойиҳа доирасидаги илк 20 номдаги китоб ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.



“Мактабдан ташқари ўқиш” рукнида чоп этилаётган китоблар:

- жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарлари билан танишиш имконини беради;
- нархларнинг ҳамёнбоплиги билан ўқувчига манзур бўлади;
- мавзу доирасининг хилма-хиллиги эса эътиборни тортади;
- ихчамлиги жиҳатидан ўқувчига бир қанча қўлайликлар яратади.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99898) 128-78-43; (99893) 397-10-87  
(+99871) 147-00-14; (+99871) 129-09-69  
Факс: (+99871) 273-00-14  
Фарғона вилояти (+99893) 373-33-73  
Навоий вилояти (+99891) 339-97-00  
Жиззах вилояти (+99898) 261-16-13  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

## Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус  
та'лим, сан ва маданият  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Indeks: 149, 150. Г-515. Tiraj 52300.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotihiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



9 772010 643001

«Ma'rifat» dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshirilishi  
shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqiriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Disaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Rayhona XO'JAYEVA.  
Navbatchi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 01.25 Topshirildi — 02.20

1 2 3 5 6